Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

3 октябрь 1972 йил сешанба

№ 232 (15.403). ◆ Баҳоси 2 тийин.

«МОЛНИЯ-2» ОРБИТАДА

ТАСС АХБОРОТИ

Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланувчи алоқа системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1972 йил 30 сентябрда Совет Иттифоқида «Молния-2» алоқа йўлдоши эллипссимон баланд орбитага чиқарилди. Ундаги ретрансляция аппарати системани сантиметрли тўлқин диапазонида ишлашини таъминлайди.

«Молния-2» алоқа йўлдоши Совет Иттифоқида олис телефон-телеграф радио алоқа системаси ишлатилишини таъминлашга, СССР Марказий телевидениеси программаларини «Орбита» тармоғи пунктларига ҳамда халқаро ҳамкорлик пунктларига юборишга мўлжалланган.

Йўлдош шимолий ярим Шардаги апогейи 39200 километр ва жанубий ярим Шардаги перигейи 480 километр келадиган орбитага чиқарилган. Йўлдошнинг айланиш даври — 11 соат 43 минут, орбитасининг оғиши — 65,3 градус.

Йўлдош ичига телевидение программасини юборувчи ҳамда кўп каналли олис радио алоқани амалга оширувчи аппаратдан ташқари команда ўлчаш комплексининг, шунингдек, орбита ва йўлдош энергия манбаини мўлжалга олдириб, ростлаб турувчи система аппаратлари ўрнатилган.

«Молния-2» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказилиб туради.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

(Наманган областидан телефон орқали олинди)

Абдураҳим НУРМАТОВ
146 тонна,

Задарё районидаги Ильич номли колхоздан.
Сирожиддин ИКРОМИДДИНОВ
135 тонна,

Шу райондаги «Украина» совхозидан.
Ҳамдам АКБАРОВ
120 тонна,

Поп районидаги «Найман» совхозидан.
Азиза САИДОВА
115 тонна,

Шу райондаги «Коммунизм» колхозидан.

ПАХТАМИЗ 1.500 МИНГ ТОННАДАН ОШДИ!

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 1972 йил сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пахтани териб олиб, давлатга сотиш юзасидан областлар, районлар, совхозлар ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга берилди:

Сирдарё областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Аҳмедов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳайдуров**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мажидов**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Мирҳабибов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Шодиев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Хобта**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдураимов**) берилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 50,52 процент, шу жумладан машина терими планини 56,09 процент бажарди ва терим ишларини юксак даражада механизациялаштирганлиги туфайли ўн кунликда пахта тайёрлашни 37,96 процент, шу жумладан машина теримини 46,04 процент кўпайтиришни таъминлади.

Байроқ Андижон областидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Қашқадарё областида** (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ғонбов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Сирожиддинов**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Саидов**, совхозлар трестининг директори ўртоқ **Тошқулов**, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Рўзиев**, «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Ражков**, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ражабов**) қолдирилди. Бу область пахта териш планини 64,59 процент, шу жумладан машина терими планини 44,58 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 31,43 процент, шу жумладан машина теримини 29,43 процент кўпайтиришни таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Қашқадарё областининг **Ғузор районида** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Оллоёров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қораҳонов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жўраев**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Илиади**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Мирзаев**) қолдирилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 98,54 процент, шу жумладан машина терими планини 64,03 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 39,67 процент, шу жумладан машина теримини 35,29 процент кўпайтиришни таъминлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Андижон областининг **Избоскан районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Саримсоков**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Комилов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қодиров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Умарбоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Исмоилов**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 57,66 процент, шу жумладан машина терими планини 62,26 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 38,58 процент, шу жумладан машина теримини 58,95 процент кўпайтиришни таъминлади.

Байроқ Қашқадарё областининг Қамаши районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Қашқадарё областининг **Косон** районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шерқулов** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Асроров**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Ўрзиқулов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Эшонқулов**) берилди. Бу район ингичка толали пахта тайёрлаш йиллик планини 50,59 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 29,24 процент кўпайтиришни таъминлади.

Байроқ Сурхондарё областининг Шўрчи районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё областининг **Мирзачўл** (қўриқ) **районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Керимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Нишонов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Жунисбеков**, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Бўтабоев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Расулов**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 69,31 процент, шу жумладан машина терими планини 113,43 процент бажарди, ўн кунликда пахта тайёрлашни 54,40 процент, шу жумладан машина теримини 88,80 процент ва бутун машина терими салмоғини 98,6 процент кўпайтиришни таъминлади.

Байроқ Қашқадарё областининг Ульянов районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Қашқадарё область **Ульянов районидаги «Партия XXIV съезди» совхозига** (совхоз директори ўртоқ **Гажиев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Эгамбердиев**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Рўзиқулов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Маманазаров**) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 100,07 процент, шу жумладан машина терими планини 130,22 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 62,96 процент, шу жумладан машина теримини 83,78 процент кўпайтиришни таъминлади.

Байроқ Қашқадарё область, Ульянов районидаги Ульянов номли совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё область, **Мирзачўл районидаги Сегизбоев номли қўриқ совхозга** (директори ўртоқ **Сериков**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Хвгай**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Акемов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Асанов**) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 76,20 процент, шу жумладан машина терими планини 111,60 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 63,77 процент, шу жумладан машина теримини 93,32 процент кўпайтиришни таъминлади.

Байроқ Сирдарё область, Дўстлик районидаги Ленин номли совхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Андижон область **Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Жалолов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Мирзакаримов**, комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ **Чатканов**) берилди. Бу колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 100,49 процент, шу жумладан машина терими планини 124,5 процент бажарди ва ўн кунликда пахта тайёрлашни 72,45 процент, шу жумладан машина теримини 97,62 процент кўпайтиришни таъминлади.

Байроқ Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги Энгельс номли колхозидан олиб берилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг механизаторлари мўл ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда йиғиб-териб олишга аҳд қилишган. Колхознинг пешқадам механизаторларидан Абдурашид Сотиволдиев (юқоридаги сурат) «зангори кема» бункеридан ҳар куни 4-5 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқда. Пастдаги суратда эса колхозчилар Жўра Қамбаров бошлиқ бригада далаларида группа усулида ишлаётган терим машиналарини кўриб турибсиз.

А. Абалян фотолари.

БИРИНЧИ ДОВОН

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маматжон Дадажонов директорлик қилаётган Ленин номли 11- совхоз Сирдарё областида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. Она-Ватанга 8.700 тонна чўл дурдонаси етказиб берилди. Ҳамма пахта машиналарда терилди. Совхоз чўлқуварлари 14.300 тонналик мажбуриятни бажариш учун теримни тезкорлик билан давом эттирмоқдалар.

Совхозимиз коллективи юбилей йилида яхши меҳнат қилди. Давлатимизнинг ёрдамига таяниб ҳамма майдонларда пахтадан юқори ҳосил етиштирди. Теримни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошладик. Бунда асосан машиналарга умид боғладик. Дефолиация сифатли ўтказилгач теримни оммавий равишда бошладик. Совет Иттифоқи пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши қарорлари чўлқуварларимизга янги куч-ғайрат бахш этди. Йиллик пахта тайёрлаш планини 15 иш кунида бажаришни асосий мақсад қилиб қўйдик ва тайёрлов пунктларига 8.700 тонна биринчи сорт пахта топшириб, мақсадимизга эришдик. Ҳосилнинг ҳаммаси машиналарда терилди ва юқори сортга қабул қилинди.

Машина—деҳқоннинг суянган тоғи ва мададкори. Машинага таянган деҳқон ўзади, нишонга олган чўққисига толиқмай чиқади. Қўйсин Муллаев, Омон Усмонов, Омон Холиқовлар бошлиқ бўлимларнинг пахтакорлари йиллик планни фақат машиналарда терилган пахта ҳисобига бажардилар. Бу бўлимларда ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш учун қизғин кураш кетяпти. Қувноқ Вургутов бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари 107 гектар майдонда бир терим ўтказиш билан планни бажарди. Ҳозир 30 центнерлик маррани эгаллаб, 45 центнерлик чўққига интилмоқда. Ҳасан Холмўминов, Раҳмон Ҳакимов, Тўланбой Дадажоновлар бошчилик қилаётган комплекс механизациялашган бригадаларнинг аъзолари ҳам ана шундай қувончли якунларга эришдилар.

Совхозимиз чўл зонасига жойлашган. Ишчи кучи кам. Шу сабабли ҳамма ишларни, хусусан пахта теримини комплекс механизациялашга катта аҳамият бермоқдамиз. Бу йилги мавсумда механик ҳайдовчиларимиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Моҳир механизатор Тўланбой Дадажонов шу кунга қадар машина бункерларидан 510 тонна пахта тўкиб дала гвардиячилари отрядига бошчилик қиляпти. Турсунойчи қизимиз Шамсиқамар Тўхтаева 350 тонналик маррани эгаллади. Шуниси қувончлики, бу йил механизаторларимиз тележкачиларимиз, шофёрларимизнинг ҳаммаси пахта териш ва ташиш юзасидан зиммасига олган мажбуриятларини шараф билан бажарадилар. Мавсумда ҳар бир терим машинасининг иш унумини ўтган йилдагидан 50-60 тонна кўтариш ниятимиз бор.

Биринчи давондан ошдик. Лекин ҳали олдимизда улкан вазифалар турибди. СССР пахтакор республикалари партия-хўжалик активи йиғилиши қарорларига жавобан совхозимиз бўйича ялпи ҳосилни 14 минг 300 тоннага етказиш ҳақида оширилган мажбурият қабул қилганмиз. 20 октябргача бу мажбуриятимизни ҳам бажарамиз. Далаларимиздаги ҳосил чўғи бундан далолат беряпти.

Совхозимиз пахтакорлари эришилган муваффақиятни мустаҳкамлайдилар ва кенгайтирадилар. Бутун куч ва техника воситаларини пахта йиғим-теримини қизғин давом эттиришга сафарбар этадилар. Областимиз бўйича 500 минг тонна, республикамиз бўйича 4 миллион 550 минг тонна пахта тайёрлангандагина ўз бурчимизни ўтадик деб ҳисоблаймиз. Унгача теримни тезкорлик билан давом эттираверамиз.

Мамажон ДАДАЖОНОВ,
Сирдарё область Дўстлик районидаги Ленин номли 11-совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ВАТАНГА АРМУҒОН

ҒУЗОР РАЙОНИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Районимиз пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, тўққизинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар.

Куни кеча яна бир улкан зафар қўлдик. Она-Ватанимизнинг пахта хирмонига районимиз меҳнаткашлари 21 минг 950 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, пахта тайёрлаш йиллик планини республикада биринчи бўлиб бажардилар.

Дастлабки ғалаба пахтакор деҳқонларнинг, механизаторларнинг ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилганликлари, район партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги органларининг тадбиркорлик билан иш кўрганликлари натижасида қўлга киритилди.

Бундан 4-5 йил олдин районимизда 7-9 минг тонна пахта етиштирилар эди. Ғузор дарёси тўсилиб, сийнасига 260 миллион куб метр сув сиғадиган Пачкамар сув омбори қурилиб ишга туширилгач, қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари кескин ривожлана бошлади. Янги каналлар қурилди. Эски канал ва ариқларга бетондан «тўн» кийдирилди. Суғориладиган майдонлар кенгайтирилди, деҳқончилик маданияти юксалди. Ленин номли, Охунбобоев номли колхозлар ва Киров номли совхозда қудуқлар қазилиб, суви экинзорларга оқизилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган Совет Иттифоқи пахтакор республикалари партия-хўжалик активи йиғилиши пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида партиямиз ва унинг Марказий Комитети қилаётган ғоят катта ғамхўрликнинг ёркин ифодаси бўлди. Районда пахта теримини ана шу йиғилиш талаблари даражасида уюштириш, ташкил этишга ҳаракат қилинди. Механик-ҳайдовчилар, кўпминг килограммчилар меҳнати пухта уюштирилди. 134 та терим агрегати ишга туширилиши билан районда пахта топшириш суръати 4 процентга кўтарилди. Карл Маркс номли колхоздан Авгон Хўжаёров, Назира Мейлиева, Хуррам Бўронов, Шарофат Бердиева, Гагарин номли колхоздан Шомурод Йўлдошев, Киров номли совхоздан Уктам Худоёров, Бобоқул Соатов, Охунбобоев номли колхоздан Расул Холманов каби механик-ҳайдовчиларнинг ҳар бири шу кунгача агрегати билан 110-130 тоннадан пахта терди.

Райондаги 7 та пахтачилик хўжалигидан тўрттаси йиллик планларини ошириб бажарди. Планни бажарган хўжаликларнинг пахтакорлари ўз зиммаларига олинган социалистик мажбуриятларини ҳам тезда бажариш учун терим суръатини кун сайин қизитмоқдалар.

Пахтакорларимиз СССРнинг 50 йиллик юбилейи шарафига ҳосилдорликни гектар бошига салкам 40 центнерга етказиш, она-Ватанга пландан ташқари 18 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, республикамизнинг 4 миллион 550 минг тонналик пахта хирмонига 40 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун ғайрат билан ишламоқдалар.

М. ОЛЛОЁРОВ,
Ғузор район партия комитетининг биринчи секретари.

Э. ҚОРАХОНОВ,
район ижроия комитетининг раиси.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҲИССАСИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Энгельс номли колхоз пахтазорларида терим суръати кундан-кунга авж олмоқда. Она-Ватанга 4884 тонна «оқ олтин» армуғон этишга қарор қилган колхоз аъзолари ўз ваъдаларининг устидан чиқиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Бунда, айниқса механизаторларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Ишни мусобақа асосида ташкил қилган В. Абдуллаев, Б. Нуриев, Х. Насриддинов, Ф. Гариев каби механизаторлар мавсумда 150 тоннагача пахта териш мажбуриятини олганлар. Ҳозиргача ҳар бир механизаторнинг терган пахтаси 150 тоннадан ошиб кетди.

Ф. АБДУРАСУЛОВ,
Ф. ИСАЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми бактериологик (биологик) ва заҳарли қурол ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва запасларини тўплашни тақиқлаш ҳамда уларни йўқотиб юбориш тўғрисида тузилган ва СССР ҳукумати номидан 1972 йил 10 апрелда Москвада, Вашингтонда ва Лондонда имзоланган ва ратификациялаш учун СССР Министрлар Совети тақдим этган конвенцияни хулоса чиқариш учун СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссияларига топширди.

4.550 МИНГ ТОННА УЧУН

Узбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 2 октябрга бўлган
МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машина терими: Бир кунда	Шу жумладан машина терими: Мавсум бошидан
Қашқадарё	3,38	67,97	2,87	47,45
Сирдарё	4,44	54,96	5,62	61,71
Тошкент	4,16	45,44	4,93	47,45
Андижон	3,22	44,72	3,73	27,75
Бухоро	2,06	40,57	2,25	23,14
Фарғона	2,28	39,61	2,76	18,59
Наманган	3,42	37,21	5,52	43,29
Сурхондарё	2,44	37,11	2,82	28,08
Самарқанд	1,92	16,56	1,60	5,99
Хоразм	1,73	16,40	1,00	5,22
ҚҚАССР	1,63	11,71	1,20	4,22
Республика бўйича	2,78	37,29	3,36	30,57
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Қашқадарё	2,85	40,53		
Бухоро	1,15	30,28		
Сурхондарё	1,66	30,05		
Республика бўйича	1,96	34,93		

УРУҒЛИК ПАХТА ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

СИРДАРЁ, («Совет Ўзбекистони» махсус мухбирларидан). Партия ва ҳукуматимизнинг уруғлик пахта етиштиришни кўпайтириш ва уни мумкин қадар тезроқ йиғиб-териб олиш тўғрисидаги ғамхўрлигидан беиҳоя руҳланган Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Улар пландаги 1500 тонна ўрнига 1550 тонна уруғлик пахта етказиб бериб, бу соҳадаги йиллик планни муддатидан илгари ошириб адо этдилар.

Элита уруғчилигини ривожлантириш соҳасида Нурмат Типовов ва Шовқи Латипов ўртоқлар бошлиқ бригадалар айниқса баракали меҳнат қилишди. Улар уруғлик пахта тайёрлаш давлат планини биринчи бўлиб бажардилар.

Колхозда уруғлик пахтани тез ва соз теришда рекорд қўйган меҳнатсеварлар кўп. Масалан, Ойгул Эгамова кунига ўрта ҳисобда 310 килограммдан пахта теряпти. Камол Бобоев ҳар куни 220 килограммдан, Онақиз Наврўзова 200 килограммдан «оқ олтин» йиғиштириб оляпти. Чеварлардан Ойша Наврўзова, Холбиш Узбекова, Ача Мирзаева ўртоқлар ҳам кўп ва сифатли пахта теришда ғолиблардан қолишмаяпти.

Уруғлик пахта териш ва давлатга топширишда пешқадамлик қилаётган Охунбобоев номли колхоз азаматлари суръатни кун сайин, соат сайин тезлаштирмоқдалар.

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА БРИГАДАСИ МАРРАГА ЕТДИ

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бошлиқ комплекс механизациялашган бригада аъзолари Янгийўл районидаги Киров номли колхозда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди. 84 гектар ердан 253 тонна «оқ олтин» йиғиб олинди. Ялпи ҳосилнинг асосий қисми машиналарда терилди. Турсуной Охунованинг ўзи «зангори кема» бункеридан 245 тонна пахта тўнди.

Бригада далаларида ҳали пахта кўп. Турсуной опа машина иш унумини кун сайин ошириб, 400 тонналик маррани эгаллашга аҳд қилди.

З. КУРТНЕЗИРОВ.

МАЛАЙЗИЯ БОШ МИНИСТРИ МОСКВАГА КЕЛДИ

Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган Малайзия бош министри Тун Абдул Раззоқ 2 октябрда Ленинграддан Москвага келди.

Малайзия ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Тун Абдул Раззоқни ва унинг ҳамроҳларини СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Аэродромда Москва гарнизони қўшинларининг фахрий қоровули саф тортиб турди. Малайзия ва СССРнинг давлат гимнлари ижро этилди. Тун Абдул Раззоқ ва А. Н. Косигин совет қўшинлари сафини айланиб ўтдилар.

Пойтахтнинг азиз меҳмони ўзига ажратилган резиденцияга бораётган магистраллари СССР ва Малайзиянинг давлат байроқлари билан безатилган эди. (ТАСС).

ЕТАКЧИ КУЧ

Пахта йиғим-терими мавсуми ҳар бир район партия ташкилоти учун жиддий синов даври бўляпти. Улкан хирмон учун курашнинг шу долзарб кунларида район партия комитетлари барча бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларини ягона мақсад сари йўналтирувчи ҳақиқий штаб бўлиб қолмоқда. Бу йилги шароит йиғим-теримни тезкорлик билан ўтказиш, йиллик план ва мажбуриятларнинг барвақт бажарилишига эришишни талаб этади.

«Совет Ўзбекистони» мухбири бир қатор район партия комитетлари секретларидан райкомларнинг шу кунлардаги фаолияти, коммунистларнинг авангардлик роли ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

✦ ✦

Солижон ВОҲИДОВ,
Пскент район партия комитетининг биринчи секретари

Районимиз хўжаликларида мўл пахта ҳосили етиштирилди. Йиғим-теримнинг дастлабки кунлари давлатга ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил топшириш юзасидан олинган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишидан далолат беряпти.

Район партия ташкилотлари, барча қишлоқ коммунистлари учун ҳозир теримни қисқа муддатларда, нобудгарчиликка сира йўл қўймай тез ва соз ўтказиш, план ва мажбуриятларни бажариб эл олдида юзи ёруғ қилишдан бошқа муҳимроқ иш йўқ.

Пахта йиғим-терими мавсуми бошланиши арафасида барча колхоз ва совхозларда партия йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда партия ташкилотларининг йиғим-терим давридаги вазифаси атрофлича муҳокама қилинди. Коммунист ва комсомоллар пахта учун курашнинг масъулиятли участкаларига юборилди.

Ҳозир район пахтазорларида 700 дан ортиқ коммунист фидокорона меҳнат қилмоқда. Улар теримчилар, механик-ҳайдовчилар, пахтани қоп-қанорсиз ташиётган механизаторлардир. Бригадаларда, пахта тайёрлаш пунктларида партия ташкилотлари ва партия группалари иш олиб бормоқда. Коммунистларнинг ташаббуси билан энг муҳим участкаларда 110 та халқ контроли постлари ва дозорлар ташкил этилди. Бригада ва бўлимларда сиёсий ахборотчи ва агитаторларнинг иши жонлантирилди.

Коммунистлар далада ишлаётганлар учун маданий-маиший шароитни яратишга ҳам ғамхўрлик қилмоқдалар. Дала шийпонларида иссиқ овқат тайёрланяпти. Шийпонлар оммавий-сиёсий ишлар марказига айлантирилди. Бу ерга радиоприёмниклар қўйилди, кўчма кутубхоналар ишлаб турибди. 7 та агитмашина теримчилар хизматида.

Пахтакорлар ўртасида социалистик мусобақа натижалари район газеталари саҳифаларида, «Молния» ва радио орқали, сиёсий ахборотчи ва агитаторларнинг суҳбатларида кенг ёритиляпти. Мусобақа ғолибларига пахтазорнинг ўзида вимпел билан бирга қимматбаҳо мукофотлар ҳам топширилмоқда. Масалан, «Гулистон» колхозида энг кўп пахта тайёрлаган бригадалар учун кўчма Қизил байроқ таъсис қилинган. Пул мукофоти ҳам берилади. Бу ерда илғор механик-ҳайдовчи ва теримчилар ҳам моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Илғорлар шаънига Меҳнат шуҳрати байроқлари кўтарилади.

Қишлоқ коммунистлари шахсий ибрат кўрсатган ҳолда кишиларни унумли меҳнат қилишга, терим нормаларини ошириб бажаришга ундамоқдалар. Чунончи, «Гулистон» колхозининг бригада бошлиғи Маннон Мусаев «зангори кема»ни бошқариб, ҳар куни 5-6 тоннадан пахта теряпти. Калинин номли колхоздан Файзи Жўраева, Ҳошим Маҳсумов, Ленин номли колхоздан Урозбой Солиев, Охунбобоев номли колхоздан Ҳатира Сайфутдинова каби меҳнатсеварлар машинада кунига 6-7 тоннадан «оқ олтин» тераётирлар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 300 тонна ва ундан ошириб пахта теришга қарор қилган.

Район партия ташкилоти ғаниматкунларнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланган ҳолда йиғим-теримни қисқа вақт ичида тугаллаш учун қишлоқ меҳнаткашларини янги-янги зафарларга даъват этади.

Мухтор ПЎЛАТОВ,
Қамаши район партия комитетининг биринчи секретари.

Партия турмуши

Ҳозиргина «Фарғона» совхозидан қайтдим. Хўжалик кеча 4 процент миқдорида пахта топширди. Шунинг 3 процентн машинада терилган. Совхоз коллективи йиғим-теримни механизациялашда районда намуна бўляпти. Хўжалик механизаторлари 3 минг гектар ердан йиғиштириб олинадиган 9 минг тонна пахтанинг кўпини машиналарда териб олишга қарор қилишган. Ҳозир пахтазорларда 35 та «зангори кема» «оқ олтин»ни теряпти. Механик-ҳайдовчи Ғулом Эшонқулов ва Бекмурод Худойназаров ўртоқларнинг ҳар бири пўлат этакдан кунига 7-8 тонна пахта тўкяпти.

Коммунистлар социалистик мусобақада олдинда боришяпти. «Партия XXII съезди» колхозининг механик-ҳайдовчилари Тошмурод Юсупов, Хурсанд Поёнов, «Марксизм» колхозидан Дўсмат Орбўтаевларнинг агрегатида мавсум бошидан бери вимпел ҳилпираб турибди. Бу меҳнатсевар механизаторларнинг номини шарафлаб дала шийпонларида бир неча марта Меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилди.

Район партия комитети меҳнат ветеранларини, бошқа соҳаларда ишлаётган тажрибали механизаторларни пахта йиғим-теримида актив иштирок этишга чақирди. Пахта тераётган ва ташиётган механизаторлар сони анча кўпайди.

Калинин номли колхозда агрегатлар уч группага бўлиб ишлатилмоқда. Ҳар бир группага механиклар, пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ажратилди. Ҳар бир группада партия группалари ишлаб турибди. Мутахассислардан иборат комиссия пахтаси машинада териладиган майдонларни кўздан кечириб, рухсат берганидан сўнг шу ерга терим агрегатлари юборилади. Машина теримида дала — терим машинаси — прицеп — тайёрлов пункти усули қўлланилмоқда.

Район партия комитети бу хўжаликнинг теримда қўлланаётган тажрибасини ўрганиб чиқди ва уни бошқа хўжаликларга кенг ёйди.

Пахта бу йил бошқа йиллардагига қараганда кеч очилди. Йиғим-терим ҳам одатдагидан анча кеч бошланди. Қишлоқда етакчи куч қисобланган коммунистлар ана шу кунларни терим суръатини тезлаштириш ҳисобига қоплаймиз, демоқдалар. Ҳозир кунлик суръат 3,5 процентга етди. Фойдаланилмаётган резервларни ҳам ишга туширишг ҳисобига кунлик суръатни 5-6 процентга етказамиз ва давлатга 35 минг тонна «оқ олтин» топширамиз.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ

Тошкент медицина институти ортопедия-стоматология поликлиникасида республикамизнинг узоқ районларидан, Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа қардош республикалардан келган беморларни учратиш мумкин. ТошМИ амбулаторнясида бемор учун сунъий милк, тишлар ясалади. Булардан ташқари оғир жароҳатланган беморларнинг жағини тиклаш ишлари ҳам олиб бориляпти.

Бундай мураккаб операция Ўрта Осиёда биринчи марта Тошкент медицина институти поликлиникасида муваффақиятли бажариляпти. Ортопедия-стоматология поликлиникасига ёш врач, коммунист Т. Юсупов бошчилик қилмоқда. П. Аҳмедов, Р. Мусекаева, Ю. Ҳаитов каби шифонорлардан беморлар мамнун.

В. СЛЕПТЕРЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМИ

Тошкентда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамияти, Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари комитети, тинчликни ҳимоя қилиш республика комитети, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон Комитетининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари И. Юсупова «КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил ноябрь ва 1972 йил май Пленумлари қарорлари асосида Ўзбекистон жамоат ташкилотларининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Пленум қатнашчилари республика жамоатчилигининг тинчлик, социал тараққиёт учун курашга жалб этиш, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлашга қаратилган иш программасини белгиладилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ҚУРИЛИШИДА

ТОШКЕНТ метрополитени тез суръатлар билан барпо этиляпти. «Фарҳод» станциясида тоннель ковлаш қурилмалари ишга туширилди. Суратларда: (юқоридан пастга) 1. Илғор шахта проходчилари Рихсилла Шералиев ва Фахриддин Ғаффоров; 2. Шахта ер ости иншоати; 3. Метрополитен қурилишида фидокорлик кўрсатаётган участка механиги В. Федотов ва кранчи Л. Ахтительнова ўртоқлар.

И. Глауберзон фотолари.

ҲАЁТ ТАЛАБИ

ОЛИМНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

Собир ЮНУСОВ,
СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Тафаккур соатларида халқимизнинг «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин», деган мақолининг маъносини кўп чақаман. Ҳар гал ҳам бу жуда ўринли айтилганлигига иқрор бўламан. Аслида ҳам, олимлик аввало бир неча йил қунт ва сабр-бардош билан ишлашнинг натижаси бўлса, одам бўлиш учун бутун умр талаб қилинади.

Ҳақиқий олим қандай одам бўлмоғи керак, деган саволни кўп эшитишга тўғри келади. Ҳозирча бунга тўла жавоб берадиган тайёр рецепт йўқ. Менимча, ҳақиқий олим ахлоқий пок, иши билан сўзи бир кишидир. Унда меҳнатсеварлик билан камтарлик ва принципиаллик уйғунлашиб кетади. Бўлар унинг тутал илмий дунёқарашга эга бўлишида, ҳар бир масалага партиявий позицияда ёндошувида, ўз-ўзига талабчанлиги, шогирдларига ҳақиқий устоз ва меҳрибон, маслаҳатгўйлигида, ўз касбини дилдан севишида, унинг шайдоси бўлишида намоён бўлади.

Совет олими холис таниқдини тан олувчи, ғаразли фикрга ўз вақтида зарба берувчи, умумхалқ манфаатини шахсий манфаатдан устун қўювчи, ғийбат ва гуруҳбозликдан устун турувчи кищи бўлмоғи керак. У «шогирд устоздан ўзади» деган ҳақиқатни тан олувчи, ҳақиқий интернационалчи, партиянинг онгли солдатидир. Фан муаммолари ҳақида бош қотирувчи, уни ҳал этишга амалий ҳисса қўшувчи, юбилейини ўтказиш ва мукофотлар олишдан кўра кўпроқ иш қилиш, шогирдлар етиштириш ҳақида бош қотирувчи, қўлга киритаётган ютуқларидан маънавий қаноат ҳосил қилгани ҳолда, ўз фаолиятини таниқдий баҳолай оладиган инсондир. Ҳамкасбларнинг ютуғига қойил қолиб, лозим бўлганда уларга керакли ёрдамни аямайдиган кишидир. У ўзи шуғулланаётган соҳаси қобиғида биқиниб қолган — фикр доираси тор мутахассис эмас. У етук файласуф ҳам бўлиши лозим. Ҳақиқий олим аждодларимиз тажрибасини чуқур ўрганган ва ҳозирги замон фан ютуқларидан баҳраманд бўлиб бориш учун эса муттасил ўқиши, ўрганиши, изланиши лозим. Менга қолса, ҳақиқий олим бутун умри давомида энг яхши китобхон, газетхон ва журналхон бўлиб қолиши лозим дердим. Ана шундагина у ўз умрини бағишлаган фан соҳасида ҳақиқий назариётчи, амалиётчи ва ташкилотчи бўла олади. Камтарлик билан принципиаллик, ишчанлик билан изланиш унда уйғунлашиб кетади. Акс ҳолда аросат йўлда қолиб, халқ тили билан айтганда, «ҳар соҳадан бир шингил» билувчи кишига айланади.

Онгли умрини ўзи танлаган, соҳага бағишлаган ва бу соҳада яхши натижа беришга интилган кишилар бизда доимо иззат-икром кўради, обрў-эътибор топади. У вафот этиб кетса-да, унинг номи, иши қолади, «ажойиб одам эди. Олим бўлгач, киройи шундай бўлса-да» дейишади. Берилган унвон ва мукофотларга маҳлиё бўлиб, иш бермай қўйган олимнинг у ким ва қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар ахир бир куни «мис»и чиқади. Чунки берилган унвон ва мукофотларга ҳаммавақт аванс тариқасида қараб, уни оқлаш учун интилиш керак.

Мен академик Александр Павлович Ореховнинг шогирди бўлганлигим билан фахрланаман. Бу ажойиб инсон юқоридаги ижобий фазилатларни ўзида тўла мужассамлаштирган киши бўлиб, ниҳоятда оқкўнгил, бағри кенг, ширинсўз, ўз соҳасининг фидойиси эди. Шундан бўлса керак, биз, унинг шогирдлари у кишини ҳақиқий мураббий ва меҳрибон ота сифатида ҳурмат қиламиз.

Ҳақиқий олимнинг тили билан дили бир бўлиши лозим. У ҳар қандай илмий анжуманда ўз фикрининг тўғрилигига ишонса, уни конкрет далиллар билан асослашга бизда ҳеч ким монелик қилмайди. Лекин айрим олимлар шундай ҳақиқат мавжудлигини билганлари ҳолда принципсиз йўл тутишади. Бирор ихтиро, кашфиёт мукофотга тақдим қилинса, аввалига унинг авторини муборакбод қилишади, зимдан эса уни қулатиш учун хат уюштиришади. Бундай йўл тутувчи кишилар ўзларининг маънавий қиёфалари ниҳоятда қашшоқлигини, ичи қоралиги ва фан соҳасига бир амаллаб кириб олган, тасодифий кишилар эканликларини кўрсатишади.

Фан соҳасида, очилмаган қўриқ кўп. Шунинг учун бундай фойдасиз ишларга кетаётган вақтни, фандага ҳал қилинаши лозим бўлган зарур масалаларни ечишга сарфланса бўлмайдими? Баҳлнинг боғи кўкармас, дейди халқимиз. Туҳматчи ва анонимка ёзувчилар эса кўпинча ана шундай кишилар бўлиб чиқади. Ўша ихтиро ёки кашфиёт олимга «бахт қуши»нинг «тортиғи» бўлмай, машаққатли меҳнат эвазига қўлга киритилганлигини иғвогар ҳам билади, аммо ўзи бунга эришаолмагани учун ичи қоралик қилиб туҳмат тошини отиш кўчасига кириб олади.

Йўқотилган олтинни топиш мумкин, бироқ йўқотилган вақтни топиб бўлмайди, деган гап бор. Жуда тўғри айтилган. Баъзи олимларимиз ўзларининг қимматбаҳо вақтларини (ҳатто шогирдларини ҳам) халқ хўжалиги, фан ва маданиятимиз учун муҳим аҳамияти бўлмаган масалаларга сарфлаётганлигини, вақтини зое кетказаётганлигига ачинасан, киши. Уларга нега шундай қиласизлар десангиз, мени шу нарса қизиқтиради, дейишади. Бу олим кишининг жавоби эмас, ахир. Давлатнинг маблағини ўзини қизиқтирган, лекин халқ хўжалиги учун фойдасиз масалаларга сарфлаш ҳуқуқини бизга ҳеч ким бермаган. Наҳотки улар буни тушунишмаса?

Ҳақиқий олим фандаги бирор масалани ҳал қилишга киришишдан олдин унинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида, иш натижаси халқ хўжалигининг қайси тармоғида қўлланилиши тўғрисида ўйлайди. Шунинг учун ҳам диссертация ёзиш айрим кишилар ўйлаганидек, турли манбалардан кўчирма ва цитаталар йиғиб, катта бир китоб ёзиш эмас, гап илмий ишнинг амалий ва назарий қийматида. Менинг бу фикрим табиёт ва ижтимоий фан соҳасида халқ хўжалиги учун амалий аҳамияти бўлмаган масалалар билан шуғулланаётган баъзи кишиларга баббаравар тааллуқли деб ўйлайман.

Давримизнинг етук олими, майда гап, ғийбат ва гуруҳбозликдан фақат узоқ турувчи кишигина бўлиб қолмай, айни вақтда унинг ҳар қандай кўринишига кескин зарба бераоладиган азамат ҳамдир. Чунки коллективда ижодий вазиятнинг қарор топиши аввало ана шундай йўл тутилишига боғлиқ. Яна шундай тоифадаги олимлар ҳам бор. Булар қачонлардир қилган ихтиролари ёки кашфиётларини пешлаш эвазига ўзгаларнинг хизматини доимо камситадилар, минбардан доимо таниқдичи бўлиб гапирадилар. Ўшандай кишилардан ҳам кейинги йиллар ичида шахсан ўзингиз фанга қандай ҳисса қўшдингиз? — деб сўраш вақти келди. Айрим ёш олимлар ҳам борки, улар ўз соҳасида эришган дастлабки ютуқларидан эсанкираб қолишади. Фан қандидатлари ёки доктори бўлиб олгач, дастлабки қадамини устозининг обрўсини тўкишдан бошлайди. Унинг тагига сув қуйиб, ўрнини эгаллаш пайида бўлади. Наҳотки улар бизда лавозим сўраб олинмаслигини билишмаса? Қўлингдан иш келишини амалда кўрсата олсанг, ўз соҳангни чуқур ва атрофлича билсанг, лавозим ҳам, мансаб ҳам, мукофот ва унвонлар ҳам бўлаверади.

Халқда шогирд ўз устозининг юзига оёқ тирамайди деган гап бор. Шунинг учун ҳам устоз ўзининг ҳақиқий устозлигини шогирдига ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан кўрсатабилиши керак. Бунинг учун ўз меҳнат, изланиш ва ижод қилмоғи лозим. Агарда устоз ўз шогирдига маънавий жиҳатдан раҳнамолик қилиш даражасида туролмаса, обрўси ҳам тўкилади. Демоқчиманки, устознинг ҳеч қандай ҳиссаси бўлмагани ҳолда шогирдининг ишига шерик бўлавериши албатта шогирднинг иззат-нафсига тегади. Афсуски, қўша-қўша илмий унвонларга эга бўлган баъзи олимларимиз кўпинча ўз шогирдларининг ишига имзо чекишаверишади. Бу инсофдан эмас. Қолаверса, бу иш бояги олимнинг ижодини бўғади, шогирдни эса масъулиятсизликка ўргатади. Тўғри, фанда илмий ҳамкорлик деган гап бор. Лекин бу шогирд бирор янгилик яратса, қачонлардир берилган икки оғиз маслаҳат эвазига устоз ўша ишга шериклик даъвосини қилсин деган гап эмас-ку. Авторлик икки томоннинг хоҳиши билан бўладиган иш бўлса ҳам, устоз ўз иззатини билиши, меъёрдан чиқмаслиги керак. Чунки катта иззатда турса, кичик ҳурматда ва хизматда бўлаверади.

Устоз ва шогирдлик жуда қийин масала. Устоз бўлиш олимнинг зиммасига катта масъулият юклайди. Қўлингиздаги ёш ходимни келгусида фан соҳасида етук киши бўлиши, аввало сизнинг унга яқиндан берган амалий ёрдамингиз, фойдали йўл-йўриклар кўрсатишингиз, доно маслаҳатларингизга боғлиқ. Ҳақиқий устоз ўз шогирдини асло камситмайди, уни ўз кучига ишонтира билади. Унга ёрдам беришда вақт билан ҳисоблашмайди. Берган ёрдамини ҳеч вақт писанда қилмайди. Миннат қиладиган бўлсанг, яхшилик қилишнинг нима кераги бор?!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев студентларнинг Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқида айтганидек, **«Катта олим, ҳақиқий педагог ўзига муносиб шогирдлар тайёрлайди. Шогирд устознинг ғоявий эътиқодини, унинг меҳнатга бўлган муносабатини, илмий заковотини, иш методикасини сингдириб олади».**

Бир неча йиллик ижодий ҳамкорлик жараёнида устоз билан шогирд ота билан боладек бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бу фаолиятга асло гард юқтирмаслик, ҳар икки томонга ҳам боғлиқ. Лекин афсуски, баъзи олимлар устозликни суиистеъмол қиладилар. Айрим «олимлар» эса ўз шогирдларига «севги — муҳаббат» изҳор қилишга ҳам бориб етишади. Бармоқ билан санайдиган даражада бўлса-да, бундайларнинг олимлар сафида ҳамон борлиги, кишини ниҳоятда изтиробга солади. Тўғри, фан сўқмоқларидан ўз йўлини меҳнат билан очишга жазм қилган шогирд «устоз»нинг бундай ярамас домига тушмай, уни ва ҳукуматимизнинг совет халқининг фаровонлиги ҳақида қилаётган ғамхўрликлари, фанимиз эришаётган, СССР халқларининг қардошлик оиласида республикамиз қўлга киритган улкан ютуқларни босиқлик ва собитқадамлик билан кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириб бериш биз олимларнинг биринчи галдаги вазифаларимиздандир. Бундай учрашув ва суҳбатларда кўп минг кишилик тингловчилар фақат суҳбатимиздан баҳраманд бўлишгина қолмай, бизлардан яна нималар кутаётганликларини ҳам рўй-рост айтишади. Улардан кўп нарсаларни ўрганамиз.

Мен ушбу мақолада олимнинг масъулияти ва маънавий қиёфасини белгиловчи баъзи омиллargагина тўхтаб ўтдим. Ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишлик, маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик, ўринсиз илтимослар, кўзбўямачилик ва сохта шуҳрат кетидан қувиш, лоқайдлик ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида қандай зарарли ва ҳавфли бўлса, фан оламида янада хавфлироқдир.

Ўзаро суҳбатда фаннинг истиқболи ҳақида ёки бирор муаммоли масалада айрим илм аҳллари анча фойдали фикрларни айтишади. Нега шу гапларингизни матбуотда ёзиб чиқмайсиз, деб сўрасангиз, вақт йўқ дейишади. Бўлмаган гап. Олим вақтни тўғри тақсимлаб, ундан оқилона фойдалана билишни ўрганганидагина ҳақиқий олим бўлади.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни лозим топдим. Баъзи олимларимиз газета, журнал саҳифаларида, радиода ва телевизорда тез-тез чиқиб туришади. Бу жуда яхши. Буни фақат табриклаш керак. Лекин уларнинг айримлари кўпчиликка аён бўлган масалаларни ҳам дурустроқ баён қилиб беришаолмайди. Узуқ-юлуқ жумлалар тузишади. Нутқ маданияти талабларига риоя қилишмайди. Баъзи ҳолларда қўлидаги қоғоздан бош кўтараолмайдиганлар ҳам бор. Бу фақат шошма-шошарлик оқибати. Маромига етказиб тайёргарлик кўрилса, бироз уйқунинг баҳридан ўтилса, ҳаммавақт қиёмига етказилган фикрлар чиқади. Бу ишдан олимнинг ўзи ҳам ҳурсанд. Унинг суҳбатидан баҳраманд бўлганлар «барака топ, илму мартабанг янада ошсин» дейди.

Эллик йилда эл ўзгарар, юз йилда ер ўзгарар деган гап бор. Шундай экан, ҳозирги замондошларимиз фикру-зикри жуда ўсиб кетган. Диди ва тафаккури анча баланд. Буни биз, илм аҳли кишилари фақат қадрлашимиз ва ана шу талабга жавоб беришга интилишимиз керак.

Сўз билан иш бирлиги ҳар соҳада ҳам кишига фақат шуҳрат келтиради. Айтайлик, олим редакциянинг у ёки бу мавзуида мақола билан чиқиш ҳақидаги илтимосига рози бўлди. Муддат тугайди. Аммо мақоладан дарак йўқ. У киши бўлса ҳамон вақт топаолмаётганлигидан шикоят қилади. Бу ҳам менимча, фан йўлига эзгу ният билан кирган олимга ярашмайди. Халқ ойнаси бўлган, ҳақиқат жарчиси бўлган матбуотдан сенга жой берилибдими, буни сен ўзингга нисбатан бўлган юксак ишонч ва ҳурмат деб қарамоғинг лозим. Агар мақолангда умум иши учун фойдали тегадиган гаплар айтаолсанг, кенг ўқувчилар оммаси сенинг навбатдаги фикрингни кутишади. Минбар шоиримиз Ғафур Ғуломнинг пахта йиғим-терининг қизғин палласида ёзадиган анъанавий мақолаларини ҳамон қўмсашимизнинг боиси шундан эмасмикан?!

Айрим олимлар институт кафедраларида туриб лекция ўқиганларида бу шарафли ишнинг қадрига етмай, студентларнинг қимматли вақтларини зое кетказаётганликлари ҳам ора-чора қулоққа чалиниб қолади. Бундай олимлар лекция ўқиш ўрнига ўзининг фанга қўшган улушини шарҳлаши ёки уни танқид қилган иккинчи бир ҳамкасбини ғийбат қилиши ҳоллари ҳам учрамоқда. Яна шундай олимлар тоифаси ҳам борки, унинг шахсига матбуот саҳифасида ўринли танқидий фикр айтилса, ўша мақола муаллифидан ўч олмагунича ётиб ўйқуси келмайди.

Яшириншинг ҳожати йўқ. Биз олимлар ҳаёт жамиятимиз ва фанимиз эришган ютуқларнинг ҳақиқий таргиботчиси ва ташвиқотчиси деган гап юксак номга яраша иш қилмаётирмиз. Жойларда ўқиётган лекция ва ўтказаётган суҳбатларимиз билан ғифояланиб қолмоқдамиз. Шундай экан, партия ва ҳукуматимизнинг совет халқининг фаровонлиги ҳақида қилаётган ғамхўрликлари, фанимиз эришаётган, СССР халқларининг қардошлик оиласида республикамиз қўлга киритган улкан ютуқларни босиқлик ва собитқадамлик билан кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириб бериш биз олимларнинг биринчи галдаги вазифаларимиздандир. Бундай учрашув ва суҳбатларда кўп минг кишилик тингловчилар фақат суҳбатимиздан баҳраманд бўлишгина қолмай, бизлардан яна нималар кутаётганликларини ҳам рўй-рост айтишади. Улардан кўп нарсаларни ўрганамиз.

Мен ушбу мақолада олимнинг масъулияти ва маънавий қиёфасини белгиловчи баъзи омиллargагина тўхтаб ўтдим. Ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишлик, маҳаллийчилик, миллий маҳдудлик, ўринсиз илтимослар, кўзбўямачилик ва сохта шуҳрат кетидан қувиш, лоқайдлик ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида қандай зарарли ва ҳавфли бўлса, фан оламида янада хавфлироқдир.

РЕЖАЛИ ИШЛАР

Қишлоқ Совети раисининг хонасида қизғин суҳбат борарди. Раисниг рўпарасидаги қатор стулларда 7-8 колхозчи аёл, ён томонида эса уч депутат ўтирарди. Ҳамидулла аканинг бугун қайфияти жуда яхши, ўтирганлар билан ҳазил-ҳузул ҳам қилиб қўярди. Аввал улар билан суҳбатлашганда бироз қизаришга тўғри келганди. Чунки улар ўртага қўйган талаблар кўп ва мушкулроқ кўринганди. Энди бўлса Ҳамидулла ака анча тажриба орттирди, одамлар қалбига йўл топа оладиган, ўзида бор меҳрни, ғайратни, саҳоватни элга сарфлайдиган бўлди.

Унинг назарида ўзига қарашли участкада ишлар анча дуруст эди. Шунинг учун ҳам шу участкалик Саломат опа сўз сўраганда бамайлихотир ўз хаёли билан банд ўтирарди.

— Турмушимиздан нолимоқчи эмасман. Лекин, кўпчиликнинг уйи газлаштирилган-у, бизнинг хонадонларга ҳали газ қувурлари етганича йўқ. Шу масалани ҳам тезроқ ҳал қилсангиз, кўнгилдагидай иш бўларди-да!

Болаларнинг ўқишларига қулай шароит туғдириб бериш керак, — деди Мастура опанинг ёнида ўтирган аёл. — Синфхоналар тор, ҳамма ўқувчиларни бағрига сиғдиролмайди. Қўшимча хоналар тикланса қандай бўларкин?

— Биз ҳам қўлни қовуштириб ўтирмаймиз, — суҳбатга қўшилди бошқа бир аёл. Ҳаммамиз ҳашарга чиқамиз...

Ҳамидулла ака анча сергак тортиб қолди. Ҳали анча иш қилишимиз керак экан, деди ва ўтирганларга бу камчиликларни тезда тугатиш ҳақида ваъда берди.

Ваъда сўз билан эмас, иш билан бажарилади. Ҳ. Иноятов ҳам ўз ваъдаси устидан чиқди.

Депутатлар орасида Ҳамидулла акага ўхшаш чаққон, «бир оёғи уйда, бир оёғи кўчада», аҳоли талабини қондириш учун елиб-югурадиган кишилар кўп.

Қишлоқ Совети территориясида республикамизда машъал хўжаликлардан ҳисобланган «Қизил Ўзбекистон» колхози ҳамда «Дўрмон» боғдорчилик совхози жойлашган бўлиб, 15 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг хўжалик, маданий-маиший талабларини қондириш учун қишлоқ Совети зиммасига масъулиятли вазифалар юкланган.

Ўртоқ М. Холматова раис бўлган мазкур қишлоқ Совети районда ибрат бўларли ишларни амалга оширмоқда. Жўмладан, 8 та мактаб, 1 мактаб-интернат, касалхона ва туғруқхона, 9 та медпункт, дорихона, 4 кутубхона, қишлоқ клуби ҳамда пайафзал, тикувчилик устахоналари ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш корхоналари меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатяпти. 21 та савдо шохобчаси аҳолининг кундалик эҳтиёжини қондириб келмоқда.

ДЕПУТАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Бу ишларни ташкил этиш, амалга оширишда депутатларнинг қўшаётган ҳиссаси салмоқлидир. Инобат Тўйчиева, Нигора Муротова, Ҳамидулла Иноятов ва Раҳматилла Тожибоев ўртоқлар доимо сайловчилар орасида бўлиб, улар дилидаги, тилидаги муаммоларни ҳал этиб келаётганликлари диққатга сазовордир. Масалан, ўтган йили қишлоқ Советига 27 та ариза-шикоят тушган эди. Уларда баъзи кўчаларнинг транспорт қатнови учун ноқулайлиги, пассажирларга енгиллик яратиб бериш, мактабларда ўринлар сони етарли эмаслиги, хонадонларни газлаштириш ишлари оқсаётганлиги ва бошқа қатор камчилик, муаммолар ҳақида сигналлар берилган эди. Қишлоқ Совети бу аризаларни Ижроия комитет аъзолари ва депутатлар муҳокамасига қўйди ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Йил охирида қишлоқ Совети бажарилган ишлар рўйхатига қуйидагиларни киритиб қўйди: «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «Қизил ту» ва Оржоникидзе участкаларида 9 километрли йўл асфальтланди ва кўчанинг икки томони йўлка қилинди. Шу йўлда автобус қатнай бошлади. Арғин участкасидаги 9-мактаб 320 ўринли. Оржоникидзе участкасидаги 10-мактаб эса 400 ўринли замонавий янги бинога кўчиб ўтди. 30 га яқин хўжалик ховли тўйи ўтказди. 400 дан ортиқ хонадонга сув ва газ қувурлари киириб келди...».

Матқобулов номли қишлоқ Совети КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта борибо, ибратли ишларни амалга оширяпти. Қишлоқ Совети раисидан тортиб жамоатчи активларгача аҳоли талаб ва эҳтиёжини ўз вақтида қондириш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш иши билан банд.

Қишлоқ Совети шу йилга белгиланган ишларнинг маълум қисмини бажариб қўйди. Масалан, 8 та мактабнинг ҳар бирига қўшимча яна 40 хонадан иборат бинолар қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. 60 ўринли касалхонага пойдевор қўйилди. Шу йилнинг ўзидаёқ Дўрмон қишлоқ матлубот жамиятини янги бинога кўчириш, марказлаштирилган магазинларни ишга тушириш, 30 га яқин хўжаликка замонавий типда уйжой қуриб бериш қишлоқ Советининг планида қайд этилган.

Биз, амалга оширилган ва оширилаётган муҳим ишларнигина санаб ўтдик. Қишлоқ Совети ва депутатлар олдида ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ҳа, улар бор имкониятдан фойдаланиб наказларни бажариш, бутун куч-ғайратларини халқ бахт-саодати йўлида сарфлашга бел боғлаганлар.

А. МАННОПОВ,
Қ. ИУЛДОШЕВ,
Оржоникидзе райони.

УЮШҚОҚЛИК ВА ИНТИЗОМ

Телефонда: Беруний район партия комитетининг биринчи секретари Қ. НУРУМБЕТОВ

Беруний райони пахта тайёрлашда Қорақалпоғистон АССР бўйича биринчи ўринда бормоқда, кунлик ўсишда ҳам пешқадамлик қилаётир. Лекин умуман олганда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча орқада қоляпти. Қосим Нурумбетович бунинг сабабларини изоҳлаб, бундай деди:

— Районимиз меҳнаткашлари юбилей йилида барча қийинчиликларни енгиб, ҳамма майдонларда пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. 45 минг тонна «оқ олтин» тайёрлашимиз керак. Шунча ҳосил бор. Бироқ териб олингани йўқ, пайкаллардаги ғўза тупларида турибди. Бу йил давлат пахта тайёрлаш планинигина эмас, социалистик мажбуриятимизни ҳам сўзсиз бажарамиз.

Пахта тайёрлашда ўтган йилдаги суръатдан орқада қолаётганимиз тўғри. Ғўзамиз кечикроқ бўлди, дефолиацияни вақтида ўтказа олмадик. Ҳозир баҳона қидириш вақти эмас. Қолоқликни меҳнат билан бартараф этиш фурсати етди. Республика партия ва ҳукуматининг яқинда матбуотда эълон қилинган йиғим-теримни тезлатиш ва пахта тайёрлашни кучайтириш ҳақидаги қарорида бу фикр ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтилди. Биз қарордан тегишли хулоса чиқариб олдик. Район территориясида истиқомат қилувчи ишга яроқли аҳолининг ҳаммасини теримга сафарбар этдик. Қарор эълон қилингунча кунига бир процентдан пахта тайёрланган бўлса, ҳозир суръатни икки процентдан оширдик. Лекин бу талабни қондирмайди. Ўтган йилги даражага етиш, бу йилги ҳосилни тезкорлик билан териб олиш учун суръатни оширишимиз, ҳар куни йиллик планнинг камида 5-6 процента миқдорида пахта тайёрлашимиз керак.

Бунга эришамиз, албатта. Ҳозир пахта қийғос очилди. Шуни ҳисобга олиб, район бўйича теримчиларнинг кунлик нормасини қайта кўриб чиқдик. Ҳар бир теримчига ўртача 100 килограммдан норма белгиланди. Шуни айтиш керакки, теримчиларимиз бу маррага сира толиқмай етишяпти. Кўпминг килограммчи теримчилар сони ўтган йилдагидан 1200 та кўпайди. Улардан кўпчилиги мавсумда 5-7-10 минг килограмм, чеварлари эса 15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олиб, ҳар куни хирмонга 250-300 килограммга етказиб пахта топширяпти. Партия ташкилотлари кўпминг килограммчи теримчиларнинг иш услубини бутун чоралар билан оммалаштиряпти.

Ғўзаларнинг барги тўкилиб бўлди. Олти кундан бўён пайкаллардаги машиналар сони кўпайтириляпти, иш унуми оширляпти. Машиналар дастлаб ишга туширилганда ҳар бирининг кунлик иш унуми ўртача бир ярим тоннани ташкил қилган эди. Ҳозир 5 тоннадан ошди. Илғор механизаторлар 10-12 тоннадан пахта териб, суръатни кўтариш учун катта имкониятлар борлигини исбот этмоқдалар. Бу йил районимиз хўжаликларида 240 терим машинаси ишлаб, 20 минг тонна пахта териб беради. Мавсумда 150 тоннадан кам пахта терадиган бирорта механизатор бўлмайди. Илғор дала гвардиячилари эса 450-500 тонналик маррани кўзлаб иш кўрмоқдалар.

Район партия комитети ва район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ходимлари билан ҳамкорликда ўтган йилдагига нисбатан бўлган тафовутни тугатиш тадбирларини белгилаб амалга оширмоқдалар. Ҳар куни қўл кучи билан йиллик планнинг икки проценти миқдорида машиналарда эса 3,5-4 процент пахта терилишини таъминлаймиз. Октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида тафовутни тугатибгина қолмасдан, янада улканроқ кўрсаткичга эришамиз. Октябрь ойида давлатга шартномада белгиланган пахтани етказиб бериб, йиллик планни бажарамиз, мажбуриятимизни эса байрам арафасида адо этамиз.

Бу ғоят қийин, оғир, айни кезда шарафли вазифа эканини ҳаётимиз яхши билади. Бундан мураккаб йилларни ҳам кўрганмиз. Ҳеч қачон саросимага тушмаганмиз. Халқимиз партия ташкилотлари атрофига маҳкам жипслашиб, ўзининг партия, Ватан олдидаги бурчини шараф билан ўтаган. Бу йил ҳам шундай қиламиз. Партия ва ҳукуматимизнинг қарори эълон қилинганидан кейин далада этак боғлаб пахта тераётган кишилар сони анча кўпайди. Район марказининг аҳолиси, колхозлар, совхозлар идора аппаратларининг ходимлари, бошқа ишлар билан банд бўлган кишилар ўзларининг асосий ишларини вақтинча тўхтатиб теримга чиқдилар. Ҳамма жойда тез ва кўп пахта териш мусобақаси авж оляпти.

Онгли интизом — ҳамма соҳада; шу жумладан теримда ҳам муваффақият гаровидир. Партия ташкилотларимиз теримчилар, механизаторлар орасида интизомни мустаҳкамладилар, ҳар кимдан кучи, қобилиятига яраша пахта теришни талаб қилмоқдалар. Бунинг учун уларга амалий ёрдам берилаётир. Партия ташкилотлари ҳисобидаги коммунистларнинг 95 процента теримга сафарбар этилди. Сен коммунистсан — ўрнинг пахтазорда! Коммунистнинг бурчи — авангард бўлиш. Шундай экан, кунига икки-уч норма бажаришга эришмоқ керак, шахсий намунанг билан ўзгаларга ўрнак бўл! Биз колхоз, совхоз ишлаб чиқаришининг новатори ҳисобланган коммунистлардан шуни талаб қиляпмиз.

Механизаторлар теримда ҳал қилувчи куч. Шундай экан, улардан қаттиқ масъулият талаб қилмоғимиз зарур. Ваъда қилган эдинг — бажар, сўз берган эдинг — устидан чиқ! Шароит шуни тақозо этяпти. Шу кунларда икки-уч терим нормаси бажармаган механизатор — қачон бажаради? Ҳозирча машиналарни икки сменада ишлатяпмиз. Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб уч сменада ишлатишга кўчамиз. Шунга етарли механизатор кадрларимиз бор. Яхши ишлаётганларини ардоқлаймиз, рағбатлантирамиз, тажрибасини оммалаштирамиз. Имкониятлар бўла туриб паст унум билан ишлаётган айрим механизаторларни партиявий, жамоат йўли билан қаттиқ тартибга чақирамиз. Кадрларнинг оғир ишнинг устидан, енгил ишнинг остидан ўтиб юришига йўл қўймаймиз. Пахта майдони — синов майдонидир. Халқимизнинг партия ташкилотлари раҳбарлигида бу синовдан муваффақиятли ўтишига аминмиз.

Навоий номли, «Правда», Киров номли, Маҳтумқули номли колхозларимизда теримни онгли интизом асосида ташкил қилиняпти. Одамлар тонг саҳарда теримга отланади, чошгоҳда яхши дам олади, қош қорайганда пайкалдан чиқади. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан суръатни ошириш уларнинг шиорига айланди. Схунбобоев номли совхоз пахтакорлари ҳақида ҳам фақат яхши гапларни айтиш мумкин. Лекин ҳозир мақтанадиган фурсат эмас. Кадрларга, хусусан коммунист кадрларга уларнинг ташкилотчилигига, кенг меҳнаткашлар оммасини янги зафарларга чорлай билишига ва ниҳоят, тарозига қўйган пахтасининг миқдори ва сифатига қараб баҳо берилади. Шундай экан, раҳбарларден тортиб оддий теримчилар, механизаторларгача — ҳамма пахтазордан ўзининг ўрнини топиши керак. Ҳозир теримда яхши кўрсаткичга эришган хўжаликлар ҳам, нисбатан орқада қолаётган хўжаликлар ҳам 5-6 процентлик маррани кўзлаб иш тутишлари лозим. Биз раҳбарлардан шуни талаб қиляпмиз, меҳнатни уюштиришда уларга кўмаклашяпмиз.

Терим суръатини кескин ошириш вақти келди. Бундан кейин қолоқликка баҳона излаш ўзўзини алдашдир. Буни ҳам халққа тушунтирдик. Шунисн қувончлики, республика партия ва ҳукуматининг қарори эълон қилингунча теримда 7 минг киши қатнашган бўлса ҳозир уларнинг сони 11 минг кишидан ошиб кетди. Халқ бирлашса дарё сувини тескари оқизади деганларидек, партия ташкилотлари атрофига ҳар қачонгидан маҳкам жипслашган халқимиз барча қийинчиликларни енгади, терим суръатига қанот бахш этади, юбилей йилида давлатимизга 45 минг тонна Беруний пахтасини етказиб беради.

Бугунги Тошкент. Суратда: Ленин проспекти.

Г. Пун фотоси (ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАБАРЛАРИ

МИРЗАЧЎЛ. «Тошкент» совхозининг А. Зулсаҳаров бошлиқ бригадаси аъзолари кунига 32 тоннадан пахта топшириб, йиллик планни 4 иш кунида бажардилар. Бу машиналар шарофатидир. Бригада аъзолари яна 95 тонна пахта тайёрлашга сўз бердилар.

Т. ТУРДИҚУЛОВ

ГУЛИСТОН. Карл Маркс номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Эрбўта Сувоқулов ҳар куни машинада 7-8 тоннадан пахта теряпти. Унинг мавсум бошидан буён тележкаларга ағдарган дурдонаси 150 тоннадан ошиб кетди.

Э. РЎЗИБОЕВ.

НАМАНГАН. Свердлов номли колхознинг Ҳошим Қосимов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 55 центнердан пахта хирмони кўтариш учун курашмоқдалар. Биринчи теримда гектаридан ўртача 20 центнердан ҳосил олинди.

А. МАҲСУМОВ.

ҚУВА. Т. Ортиқов дастлабки куни машинада 2 тонна пахта терди. Сўнгги суръатни 6 тоннага кўтарди. Ҳозир бункерлардан 10 тоннадан ошириб пахта тўкяпти. «Партия XXII съезди» колхозида бундай илғор механизаторлар сафи кун сайин кўпайяпти.

Қ. НИЗОМОВ.

БОЙСУН. «Работ» совхозида кузги дон экиш бошланди. Шу кунларда кўплаб трактор селлкалари ишлаб турибди. Ғаллакорлар 2300 гектар майдонга кузги буғдой экишни кўзда тутмоқдалар.

Н. МУРОДОВ.

СУРЪАТ НЕГА ПАСТ?

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» рейди

Бухоро областида пахта териш ва тайёрлаш суръати нега пастлаб қолди?

Бундай саволнинг ўртага қўйилиши бежиз эмас. Бухорининг юки анча салмоқли. Она-Ватанга 500 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш ҳақида мажбурият олинган. Шунинг учун бутун республика Бухорининг одимини алоҳида эътибор билан кузатиб турибди. Бухоро эса бошқа областларга қараганда бирмунча секин одимлаяпти. Йиғим-терим суръати пастлаб бормоқда. Ҳамма ҳайрон: пахта терининг авжи қизиган палласида аҳвол шундай бўлса, кузнинг серёғин кунлари келгач, Бухорининг ҳоли нима бўларкин? Ҳақиқатан ҳам бу савол пахта фронтидаги кураш билан қизиққан, қундалик маълумотни мунтазам кузатиб бораётган ҳар бир кишини ўйлантириб қўяди. Бухорода суръатнинг кўтарилмаётганлигини ҳар ким ҳар хил изоҳлаяпти. Биров: «Пахта ертиллаб қолди» деса, бошқаси «Пахта очилмаяпти» дейди.

Ҳақиқий аҳвол қанақа? Бир сўз билан айтганда бухоролик деҳқонлар бу йил жуда қаттиқ ишладилар. Баҳорнинг кечикиб келиши, сувнинг танқислиги, бевақт эсган қум бўронлари, ҳавонинг паст келиши буларнинг ҳаммаси пахтакорларни янада мардлик ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилишга ундади. Зўр ушқоқлик, жипслик билан қилинган мардонавор меҳнатлар эвазига мўл ҳосил етиштирилди. Пахта теримига пухта ҳозирлик билан киришилди. Буни йиллик планни бажариш арафасида турган Қорақўл районидаги «Октябрь», Ромитан районидаги Нариманов номли, Шофиркон районидаги Карл Маркс номли колхозлар мисолида кўриш мумкин. Бухоро районидаги Карл Маркс номли колхознинг Л. Шарипов, Ғ. Олимов, Қорақўл районидаги «Москва» колхозининг М. Ганиев, шу райондаги «Ўзбекистон» колхозининг Ҳ. Сатторов, И. Йўлдиев каби пешқадам бригадалари қисқа муддатларда зафар марраси етиб келдилар.

Хўш, шундай экан, терим суръатининг пастлаб кетаётганига сабаб нима?

Даставвал, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, областнинг бир қатор районларида машина теримини менсимаслик, уни турли баҳоналар билан орқага суриш ҳоллари рўй бермоқда. Бунга Шофиркон, Вобкент, Қизилтепа, Когон районлари мисол бўла олади. Мазкур район хўжаликларида заҳарли химиқатлар етарли бўлишига қарамай, ғўза баргини сунъий усулда тўктириш кечиктириб юборилди. Баъзи колхоз, совхозларда эса, ғўзаси қайта экилган ва бегона ўт босган майдонлар машина теримига ажратилди. Устига-устак, ана шу пайкаллар сув қуйиб юборилган.

Бундай ачинарли аҳволни Шофиркон районида яққол кўриш мумкин. Район меҳнаткашлари юбилей йилида давлатга 43 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олишган. Ялпи ҳосилнинг 18 минг тоннаси машинада теришли керак. Афсуски, бу ердаги колхоз ҳамда совхозларда машина терими учун кенг иш фронти очиб берилмаяпти. Райондаги 180 та «зангори кема»нинг фақат 100 дан ортиқроғи ишлаётганлиги, уларнинг ҳам иш унуми жуда паст эканлиги фикримизнинг далилидир.

Райондаги Ильич номли совхоз раҳбарлари (директори Қ. Рустамов, бош инженери С. Остонов) катта-катта йиғинларда минбарга чиқиб: «Машина теримига зўр берамиз ва пахта планини қисқа муддатда ўндириб юборамиз» деб ваъзхонлик қилишган эди. Пахта терими, хусусан машина терими бошлангандан кейин уларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Шу кунларда мавжуд 26 та терим машинасидан фақат 8 таси ишлатилмоқда. Ҳар бир машина билан кунига 2 тоннага етар-етмас пахта теріляпти. Совхозда машина терими плани ҳали 10 процентга ҳам етгани эмас. Кунига йиллик планнинг 0.70-0.80 процента миқдоридаги пахта бункерлардан тўкиляпти. Баҳолонки, совхозда машина терими учун катта имкониятлар бор. Лекин машина терими ҳар хил важ-карсонлар билан орқага суриляпти. Шуниси ачинарлики, айрим «жонкуяр» кишиларнинг «гайрати» билан машина теримига ажратилган майдонларнинг пахтаси қўлда териб юборилмоқда.

Куйбишев номли колхозда (раиси Облоберди Исомов) бу йил 1221 гектар ердаги ҳосилнинг 1240 тоннаси ёки 830 гектар майдондаги «оқ олтин»ни машиналарда териш мўжаллаб қўйилган эди. Амалда бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Хўжаликнинг Ғ. Ниёзов, А. Мустафоев, Н. Ғайбуллаев ўртоқлар бошлиқ бригада пайкалларида терим машиналари «хўжакўрсин»га айланиб юрибди. Аслида эса, ёппасига қўлда териб олиняпти. Биз 6-бригада даласида механик-ҳайдовчи Фахриддин Ҳожиев билан суҳбатлашдик.

— Колхоз раҳбарларининг айби билан ҳосили машинада теришга ажратилган майдонларга теримчилар тушириб юборилди. Бултур худди шу кунларда бункердан кунига 7-8 тоннадан пахта терган эдим. Бу йил 1,5 тоннага етар-етмас пахта теряпман. Машинамнинг ҳам, ўзимнинг ҳам вақтим бекорга ўтяпти...

...Биз «Шофиркон» колхозининг Муҳаррам Ҳаққулова бошлиқ бригада даласидамиз. Пайкал четида «Ўзбекистон» терим агрегати бекор турибди. Бунинг сабабини суриштирганимизда механик-ҳайдовчи Ҳошим Рамазонов шундай деди:

— Колхоз правлениеси мени фақат шу бригадага биркитган. Бошқа бригадага ёки қўшни участкага ўтиб пахта теришимга йўл қўйишмаяпти...

Қўшни бригадага ўтдик. Бригадир Ҳамро Бердиев бегона ўт босган, пахтаси ҳали пишиб етилмаган пайкални кўрсатиб:

— Машина теримига шу ерни ажратганмиз. Лекин, 15-20 кунсиз бу пайкалга терим агрегатларини киритиб бўлмайди, — деди.

— Механик-ҳайдовчиларингиз қаерда?

— Ҳув, ана! Янтоқ чопишяпти...

Дарҳақиқат, Рафиқ Умаров, Усмон Исломов каби механизаторлар «пўлат от»ларини пайкал бошига қантариб қўйиб дағал хашак жамғарицаётган экан.

— Хорманглар, нега пахта термаяпсизлар?

— Ерлар тайёр эмасмиш.

— Сув қўйиб юборишибди.

— Қўлда терамиз, дейишяпти...

Механик-ҳайдовчила р нинг қисқа, аниқ жавобларида жон бор эди. Колхоз правлениеси ҳар йили механизаторларни биттадан бригадага биркитиб қўяди. Терим машиналарининг группа бўлиб ишлашига ижозат этилмайди. Механизаторларнинг мусобақаси тўғри уюштирилмайди. Натижада колхозда машина теримига путур етади. Ўтган йили колхозда машина терими плани 88,5 процент, бурноги йили салкам 90 процент бажарилгани фикримизнинг далилидир.

Райондаги Ленин номли колхоз (раиси С. Қозоқов, бош инженери И. Солиев) раҳбарлари ҳам машина теримидан гап очилса қалтирайдиган бўлиб қолишган. Хўжаликдаги мавжуд «зангори кема»ларнинг ҳаммаси ҳанузгача ишга туширилган эмас. Бунинг устига, ишлаб турган агрегатларнинг иш унуми жуда паст.

Шофиркон районида машина терими ҳақида оғиз кўпиртириб гапирадиган «манман» деган раислар кўп. Лекин ишнинг баракаси йўқ. Қайси хўжаликда бўлманг, «машина ундоқ, машина бундоқ» деган қуруқ ваъзхонликка рўпара келаверасиз. Далаларни айланиб, дурустроқ ишлаётган бironта «зангори кема»ни учратолмайсиз. Район партия комитетининг секретари Ж. Орипов, район ижроия комитетининг раиси Р. Хўжаев ўртоқлар машина теримига тўғоноқ бўлиб келаётган раҳбарлар билан муросасозлик қилиб келмоқдалар.

Буни район хўжаликларида машина терими плани сурункасига бажарилмай келаётганидан ҳам билса бўлади. Кейинги беш йил мобайнида районда машина терими плани атиги икки марта бажарилган, холос! 1969 йилда машина терими плани 68 процентда, 1970 йилда 68,6 процентда қолиб кетган. 1971 йилда ялпи ҳосилнинг атиги 27,9 проценти бункерлардан тўкилган. Районда машина теримининг бундай аҳволга тушиб қолишининг сабаби шуки, район раҳбарлари ўзларининг ташкилотчилик бурчларини яхши ўтамаётирлар. Пахтачиликни машиналаштиришдек муҳим сиёсий ишга масъулиятсизлик билан қараб келмоқдалар.

Область партия, совет ташкилотлари машина теримига бефарқ қараётган раҳбарларга нисбатан таъсирли чоралар кўрини ва «зангори кема»ларнинг қувватидан тўлиқ фойдаланиш учун ҳамма шароитларни яратиб беришлари лозим. Партия XXIV съезди хўжаликларида, пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида қўйилган вазифалар шуни тақозо этади.

Л. АМИНОВ,
область ижроия комитети қишлоқ хўжалик бошқармаси механизация бўлимининг бошлиғи.
Абдуфаттоҳ НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири,
Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Бухоро область мухбири.

ЮБИЛЕЙГА СОВҒАЛАР

Ғузор районидаги Ленин номли колхоз меҳнат аҳли СССРнинг олтин тўйига муносиб совға тайёрлади. 1840 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 23 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб зафар қўчди. Ҳимматой Олтиёрова, Амур Раҳматов, Эргаш Бозоров, Шерали Алимардонов бригадаларида йиллик план 115-120 процент адо этилди.

* * *

Шу райондаги Гагарин номли колхоз гектаридан 22 центнердан пахта ҳосили олди. Районда учинчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекди. Шоберди Исмоилов, Манги Иброҳимов, Хосият Хидирова, Сафар Исфандиёров бригадаларининг пахтакорлари ҳосилдорликни оширишда айниқса яхши кўрсаткичга эришдилар.

ИШЧИ-ДЕҲҚОН СИНФИНИНГ ЁШ АВЛОДИ

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

«Ёшларнинг майлини ва халқ хўжалигининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ёшларни касб ўрганишга йўллаш ишлари кучайтирилсин».
(СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971-1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди Директиваларидан).

Ишчи ва деҳқон синфининг ёш авлодини тарбиялаб етиштириш — ҳунар-техника билим юртларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Касб-ҳунар ўрганиб, корхоналарга, қурилиш ташкилотлари ва қишлоқларга йўл олаётган йигит ҳамда қизларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Саккизинчи беш йилликда турли ихтисосликлар бўйича 170 мингдан зиёд малакали кадр тайёрланди. Ўттиз тўққизта билим юрти очилди.

Ҳозир республикамизда 53 минг ўқувчини ўз сафида бирлаштирган 132 та ҳунар-техника билим юрти бор.

«Ишчилар синфининг ёш ўринбосарларини тайёрлашнинг энг перспектив формаси бўлган ўрта ҳунар-техника билим юртлари кенгайтирилсин ва мустаҳкамлансин, бу билим юртларида ёшларнинг ҳунар ва умумий ўрта таълими юксак даражада бўлиши таъминлансин», — дейилади КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълими системасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида. Ана шундай ғамхўрлик туфайли республикамизда ҳам ҳунар-техника таълими системаси йилдан-йилга яхшиланиб, унинг моддий базаси мустаҳкамланиб боряпти. Ҳозир Ўзбекистонда 688 та ўқув кабинети ва лаборатория бор. Улар кўргазмали қуроллар билан тўла таъминланган. 250 минг сўмлик асбоб-ускуналар, аппаратуралар ва қўлланмалар сотиб олинди.

Ўқув жараёнида ўқитишнинг техника воситалари кенг қўлланилмоқда. Билим юртлари ўқитувчилари 252 та киноқурилма орқали 11 мингдан ортиқ кино-дарслари ўтказдилар. Ўқувчилар активлигини ошириш мақсадида карточка-топшириқ, программали ўқитиш формаларидан ҳам фойдаланилмоқда

Янги ўқув йилининг ўзига хос хусусиятларидан бири — 28 та ўқув юрти ўрта ҳунар-техника билим юртига айлантирилди. Бу ўқув даргоҳларида ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан биргаликда ўрта маълумот ҳам берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда янги турдаги ўқув юртлари ташкил топмоқда, ўқитиш сифати яхшиланиб, ёшларни тарбиялаш учун кенгроқ имкониятлар яратиляпти. Ҳа, ҳунар-техника билим юртлари—булар янги турдаги ўқув юртларидир. Зарур ва қизиқарли касблар бўйича ўқитиш ишлари энг замонавий, илмий асосланган савияда ўтказиляпти. Касблар доираси тобора кенгайиб бораётганлиги, айниқса, кишини қувонтиради. Токарлик, шофёрлик, тўқувчилик, алоқачилик, заргарлик, механизаторлик... Ёшлар ўз истак-хоҳишларига қараб ҳунар ўрганадилар

Баъзан шундай ҳам бўлади. Ҳунар-техника билим юртларига таилаган соҳаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаган ёшлар ҳам кириб қоладилар. Бундай пайтда уларга яқиндан ёрдам бериш, касбга муҳаббат уйғотиш — билим юртлари педагогик коллективларидан катта меҳнат ва маҳорат талаб этади.

Ҳозирги пайтда ҳунар-техника билим юртларининг имкониятлари ниҳоятда катта. Уни аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртлари кундузги бўлимларига кириб ўқиш имтиёзига эгадирлар. Қолган ёшлар кечки ёки сиртдан ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Ҳунар-техника билим юртларида ёшларга фақат маълум ихтисослик бўйича таълим берилади, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Педагогик коллективлар ўқувчиларнинг ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор берадилар, йигит-қизларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш фазилатларини тарбиялайдилар.

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш—бу фақат олий онглилик ва бурчига ҳисоблаганмай, айни вақтда у инсонда эркин меҳнатнинг гўзаллигини ҳис этиш туйғусини ҳам тарбиялайди.

Юқорида айтганимиздек, ҳунар-техника билим юртлари ёшларнинг ҳар томонлама камол топишида ва катта ҳаётга тайёрланишида муҳим роль ўйнамоқда. Уларда ғадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Ҳунар-техника билим юртлари республика маданият уйи тўгараклари ишини мазмунли уюштиришда яқиндан ёрдам бераётирлар. Бундан ташқари чет тиллари, техника ижодкорлиги каби кўплаб тўгараклар бор.

Бизга ўқишга келганлар зерикиб қолишмайди. Бўш вақтларини мазмунли ўтказишнинг ранг-баранг формалари мавжуд. Масалан, бизнинг системамизда ажойиб ҳарбий-спорт лагерлари бор. Ёзда ўқувчилар мароқли дам олишлари мумкин. Ўтган ўқув йилида ўқувчилар ўртасида физкультура ва спорт бўйича каттa ишлар амалга оширилди. Битта халқаро классли спорт мастери, бешта спорт мастери, 87 та спорт мастерлигига номзод ва биринчи разрядлилар тайёрланди. 23640 дан зиёд йигит ва қиз спортнинг ҳар хил турлари бўйича разрядларга эга бўлдилар.

Ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш замонавий техника ва педагогика талаблари асосида олиб борилмоқда. Бу ишларда тажрибали ўқитувчилар ёш ҳамкасблари билан қувончли натижаларга эришмоқдалар. Ҳунар-техника билим юртлари ўқитувчиларининг сифат составини яхшилаш мақсадида кейинги икки йил ичида 355 ёш мутахассис жойларга юборилди. Илғор корхоналарда 200 дан ортиқ ишлаб чиқариш мастерлари қайта тайёргарликдан ўтказилди. Бундан ташқари 464 инженер-педагог ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётир.

Республикамиз халқ хўжалигининг бирор соҳаси йўқки, у ерда ҳунар-техника билим юртларининг собиқ талабалари ишламаётган бўлсин. Ҳа, ҳунар билим юртларининг бугунги ўқувчиси эртанги ишчи, механизатор ёки бинокор... Улар бизнинг келажагимиз. Бу масъул вазифа ҳар бир колхоз, совхоз, корхона ёки қурилиш ташкилоти раҳбарларини системамиз коллективлари билан ҳамкорликда иш олиб боришга даъват этади.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитети раисининг ўринбосари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАР ХИЗМАТИДА

ЕР СОВХОЗГА ҚАЙТАРИЛДИ

Ер давлатники. У колхоз ва совхозларга фойдаланиш учун бериб қўйилган. Колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ердан томорқа участкаси сифатида қонунда белгиланганича фойдаланадилар. Уз шахсий манфаати учун давлат еридан ортиқча фойдаланиш қонунни бузиш, ғўйрлик қилиш деб ҳисобланади. Бунга йўл қўйган шахслар эса талон-торожга йўл қўйган бўладилар. Шунга қарамай, бизнинг совхозимизда айрим шахслар шахсий бойлик орттириш мақсадида ердан ортиқча фойдаланмоқдалар. Хўжалик раҳбарлари эса бунга бепарво қараяпти.

Амударё районидаги «Мангит» совхози ишчиларидан олинган шу мазмундаги хат текшириш ва чора кўриш учун район прокуратурасига юборилганди. У ердан бундай жавоб келди: Хат юзасидан текшириш ўтказилганда, «Мангит» совхози 1- бўлимининг 6- бригадасида 17 хўжалик томорқа участкасидан ташқари 5,96 гектар ерга турли экинлар экилгани аниқланди. Жумладан, бўлим бошқарувчиси Қодир Ражабов 0,28 гектар, бригада бошлиғи Шомурот Саидбоев 0.49 гектар ва ишчи Янгибой Қаландаров 0,77 гектар ортиқча ерга экин экган.

Томорқа участкасидан ортиқча фойдаланилган ер хўжаликлардан тортиб олинди ва унга экилган экинларнинг ҳосили совхоз ихтиёрига ўтказилди. Жамоат ерини ўзлаштиргани ва бошқаларга ҳам бундай қилишга йўл очиб берганликлари учун бўлим бошқарувчиси Қ. Ражабов ва бригада бошлиғи Ш. Саидбоевларга нисбатан тегишли чора кўриш совхоз дирекциясига ҳавола этилди.

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

Республика областларида шоли ўриш ва тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 2 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—ўрилган майдон (гектар ҳисобида), учинчи стун—бажарилиш проценти, тўртинчи стун — давлатга топширилган шоли тонна ҳисобида, бешинчи стун — бажарилиш проценти).

Сурхондарё	866	27,9	2392	34,2
ҚҚ АССР	4475	16,8	9294	15,7
Андижон	104	3,8	72	1,4
Хоразм	2472	27,9	—	—
Фарғона	163	6,5	—	—
Сирдарё	392	6,2	—	—
Тошкент	192	1,9	—	—
Наманган	30	0,9	—	—
Самарқанд	—	—	—	—
Республика бўйича	8694	13,3	11758	8,5

УЛКАН ХИРМОНГА

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 1 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун—районлар, иккинчи устун — мавсум бошидан, учинчи устун—шу жумладан машина терими.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Ғузор	98,54	64,03
Ульянов	83,17	89,95
Қарши	71,32	41,40
Қамаши	70,11	46,68
Яккабоғ	64,02	37,87
Чироқчи	62,09	49,07
Косон	57,72	38,60
Китоб	47,57	21,56
Шаҳрисабз	44,63	15,86
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Дўстлик	79,92	105,14
Мирзачўл	69,31	13,43
Жиззах	56,22	42,23
Ворошилов	54,66	51,94
Гулистон	54,53	48,45
Оқолтин	47,64	54,63
Пахтакор	43,83	54,97
Сирдарё	41,10	30,08
Янгиер	38,11	36,46
Ильич	36,73	47,47
Боёвут	35,18	34,28
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Пискент	51,80	51,35
Урта Чирчиқ	49,77	55,75
Бўка	43,87	39,27
Бекобод	41,72	39,05
Юқори Чирчиқ	39,60	45,92
Оққўрғон	36,10	39,09
Янгийўл	33,46	30,21
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Ленин	65,63	18,06
Избоскан	57,66	62,26
Андижон	53,60	18,68
Бўз	52,78	59,66
Москва	46,79	12,11
Балиқчи	42,86	26,10
Пахтаобод	37,40	27,43
Марҳамат	31,50	14,52
Хўжаобод	25,79	2,22
Қўрғонтепа	19,56	12,13
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Қоровул	50,02	31,71
Шофиркон	46,76	19,97
Ромитан	44,50	24,86
Бухоро	42,33	24,85
Свердлов	41,53	25,40
Ғиждувон	40,21	48,71
Когон	36,00	13,26
Қизилтепа	34,88	10,57
Бобкент	32,81	19,08
Навоий	12,59	5,31
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Киров	52,44	27,03
Риштон	47,49	33,37
Ўзбекистон	45,69	22,67
Ленинград	39,43	12,60
Бағдод	39,19	10,56
Фрунзе	39,11	27,02
Қува	34,90	11,28
Охунбобоев	30,47	5,97
Олтиариқ	26,22	6,49
Фарғона	22,96	2,44
Қувасой шаҳри	22,85	1,80
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Тўрақўрғон	45,01	55,20
Поп	38,36	41,80
Уйчи	36,16	33,51
Наманган	35,44	59,41
Янгиқўрғон	34,65	15,42
Задарё	31,15	39,41
Учқўрғон	30,06	42,51
Чуст	27,84	20,10
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Сариосиё	41,55	20,92
Жарқўрғон	38,98	29,60
Денов	37,15	17,35
Гагарин	34,94	47,04
Шеробод	33,34	38,51
Термиз	29,60	14,10
Шўрчи	27,72	12,41
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Каттақўрғон	21,19	7,69
Хатирчи	20,79	6,88
Иштихон	18,48	8,80
Нарпай	15,50	3,99
Пайариқ	14,14	3,50
Ғаллаорол	13,92	4,71
Пастдарғом	12,33	3,50
Оқдарё	10,81	1,59
Жомбой	7,19	—
Самарқанд	5,66	—
Булунғур	2,55	—
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Хазорасп	20,70	5,27
Боғот	15,17	3,19
Гурлан	14,67	5,48
Хива	14,43	4,65
Янгиариқ	14,19	3,85
Урганч	14,05	4,88
Шовот	13,73	4,43
Қўшкўпир	12,15	2,01
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Шуманай	14,57	11,39
Амударё	14,17	3,19
Беруний	13,61	2,27
Тўрткўл	13,26	1,13
Хўжайли	7,90	1,21
Қўнғирот	7,48	2,98
Нукус	6,35	3,58
Ленинобод	5,65	3,55
Кегайли	4,98	2,67
Тахтакўпир	4,29	1,02
Чимбой	2,85	0,09

ОБ-ҲАВО

Бугун, республикада ҳаво очиқ бўлади. Вақти-вақти билан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. Кечалари 8-13 ва жойларда 15 даражагача иссиқ бўлади. Кундузи ҳарорат 27-32 даражагача кўтарилади. Айрим жойларда иссиқ 34 даражага етади. Тошкентда ҳаво очиқ келиб, кечаси 10-13 ва кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Ҳалқаро ҲАЁТ

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ШАХТЕРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

СОФИЯ. Бобов Дол шаҳридаги «Минстрой» шахтасининг коллективи проходканинг янги прогрессив методларини ва замонавий техникани муваффақиятли равишда ўзлаштирмоқда. Бу соҳада болгариялик дўстлар совет биродарларининг бой тажрибаларидан кенг фойдаланаётирлар.

Бундан бир йил муқаддам «Бобов Дол» шахталаридан бирида СССРдан келтирилган кўмир комбайни ишлай бошлади. Конда қазиш ишлари олиб борилаётганда қаттиқ жисмга дуч келиб қолинди. Шунда донбасслик шахтерлар бригадаси кўмаклашиш учун келишди. Донбасс ва Бобов Дол шахтерларининг ҳамкорликда бир ой давомида олиб борган ишлари самарали натижалар берди — ҳозирги пайтда болгариялик дўстлар бу мураккаб техникани муваффақиятли равишда бошқаришмоқда. Бу йил Бобов Долга совет комбайнларидан яна тўртласи келтирилади.

ЯНГИ ТЭЦ

ГАВАНА. Кубанинг пойтахтида катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда: янги уй-жой, саноат корхоналари, ўқув юртларининг бинолари қад кўтаряпти. Гавана шаҳри асосан электр қувватини кейинги йилларда қурилган иссиқлик станцияларидан олмоқда. Пойтахтнинг тобора кенгайиб бораётгани туфайли электр қувватига бўлган эҳтиёжи ҳам ўсаётир. Яқинда ишлаб турган электр станциялари қаторидан янги «Тальяньедра» ТЭЦи ўрин олди. У 60.000 киловатт қувватга эга. Станция яқинидаги уй-жойлар ва саноат корхоналарини иссиқ сув билан ҳам таъминлайди.

ИНҚИЛОБИЙ ПЬЕСА КИНОЭКРАНДА

ПХЕНЬЯН. Корея Халқ Демократик Республикасида «Гулчи қиз» номли янги рангли кенг экранли фильм чиқарилди. Бу ўттизинчи йиллардаги машҳур революцион пьесаларнинг экраналштирилишидир. Картина корейс халқининг Япония мустамлакаси йилларидаги оғир ҳаётини акс эттириш учун кўчаларда гул сотиш билан шуғулланади. У яширин иш олиб борувчи ватанпарварлар билан учрашиб, революционер бўлиб қолади, гул сотувчи қиз босқинчилар ва уларнинг малайларига қарши кураш олиб боришга даъват этувчи варақалар тарқата бошлайди. (АПН).

Венгрия. Сегед-Альдье нефть-газ бассейни мамлакатнинг табиий газга бўлган эҳтиёжининг ярмини қондирмоқда. Суратда: ҳар бири 400 кубометр газ сақлай оладиган «омбор»ларнинг кўриниши.

МТИ—ТАСС фотоси.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

БАРЧА ХАЛҚЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркда давом этаётган XXVII сессиясида умумий сиёсий мунозара бошланди. Турли мамлакатларнинг вакиллари ана шу мунозараларда энг актуал халқаро масалалар юзасидан ўз фикрларини баён қилмоқдалар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий мақсадлари ҳамда принципларини эътиборга олиб, бу ташкилот олдига муайян вазифаларни қўймоқдалар. Чет эл матбуотининг таъкидлаб ёзишича, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ўз нутқида таъриф берган совет таклифлари жуда катта қизиқиш туғдирди. Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатиш йўлидаги ҳаракат кучайиб бораётган ҳозирги шароитда эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва жаҳондаги сиёсий муҳитни соғломлаштириш йўлидан олга бориш зарур, деган фикрларига асосланади.

Шу муносабат билан бизнинг мамлакатимиз бир қатор муҳим ва актуал масалаларни Бош Ассамблея сессиясининг муҳокамасига тақдим этди. Халқаро муносабатларда куч ишлатишдан воз кечиш ва айни вақтда ядро қуролини абадий тақиқлаш масаласи биринчи ўринга қўйилди. Совет таклифининг моҳияти ҳақида чуқур фикр юритилар экан, бу таклиф ҳозирги замон шароитларида энг мақбул ва ғоят самарали қарор қабул қилишни назарда тутади, деган хулосани чиқариш мумкин.

Кўп давлатларнинг пойтахтларида, жамоатчилик орасида ва жаҳон матбуоти саҳифаларида баён қилинган ижобий фикрлар буни исбот этади. Германия Демократик Республикасида чиқадиган «Нойес дойчланд» газетаси совет таклифлари кенг маъқулланганлигини таъкидлаб, бунинг боиси шуки, Совет Иттифоқи барча халқларни тўлқинлантираётган масалаларни ҳал этишнинг амалий йўлларини кўрсатиб берди, деб ёзади. Франсияда чиқадиган «Фигаро» газетасининг фикрича, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва ядро қуроли қўлланишни абадий тақиқлаш тўғрисидаги совет таклифи Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳамма томонидан қўллаб-қувватланиши лозим.

Совет Иттифоқининг бошқа таклифлари, жумладан қуролсизланиш юзасидан чақириладиган жаҳон конференциясига амалий тайёргарлик кўриш ҳақидаги таклиф тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутади. Югославиянинг «Борба» газетаси ўз шарҳларида Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш соҳасида бошланган жараённи кучайтиришни зўр қатъият билан ёқлаб чиқмоқда; деб таъкидлайди.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар тинчликни актив ҳимоя қилиш ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш системасини вужудга келтириш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Бу сиёсат катта-кичик барча халқларнинг ҳаётий манфаатларига мосдир.

ЗИДДИЯТЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНГАН ЭМАС

Вашингтонда халқаро валюта фонди ҳамда реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банкининг 28-сессияси бўлиб ўтди. Бундай сессия ҳар йили ўтказиб турилади. Сессияда қатнашган 124 мамлакатнинг вакиллари бу сафар ҳам чуқур валюта-молия кризисидан қутилиш йўлларини қидириб топишга уринди кўрдилар. Бу кризис кўп вақтдан буён ғарб мамлакатларини ларзага солиб келмоқда. Америка доллари ва инглиз фунт стерлинги курсининг доим пасайиб кетаётганлиги натижасида ғарбда валюта васвасаси пайдо бўлди. Америка доллари ва инглиз фунт стерлинги 1944 йилда Бреттонвудда битим тузилган пайтдан буён капитализм дунёсидаги ҳисоб-китобнинг негизи бўлиб хизмат қилган эди.

Капитализм дунёсида урушдан кейинги даврда рўй берган ўзгаришлар, яъни жаҳон экономикаси ва савдо-сотиқ соҳасида Қўшма Штатлар билан Буюк Британия позицияларининг заифлашиб қолганлиги ва Ғарбий Европада «Умумий бозор»да аъзо бўлган мамлакатлар ҳамда Япония позицияларининг кучайганлиги доллар ва фунт стерлинг кризисига асосий сабаб бўлди. АҚШ тўлов балансининг дефицити ва инфляциянинг авж олиб кетганлиги натижасида ҳам доллар кризиси кескинлашиб бормоқда. Аввало, қуролланиш пойгасини кучайтиришга ва Ҳинди-Хитойдаги агрессив урушга жуда кўп маблағнинг беҳуда сарфланаётганлиги инфляция ва тўлов балансидаги дефицитнинг ортиб кетишига сабаб бўлди.

Вашингтон ҳукумати ўз валютасининг заифлашиб қолган мавқеларини мустаҳкамлаш учун кўп марта уриниб кўрди. Вашингтон ҳукумати ўтган йили фавқулодда иқтисодий чораларни амалга оширди, жумладан, олтин запаслари ва валюта резервлари тағин ҳам камайиб кетишига йўл қўймаслик учун долларни олтинга айирбошлашни тўхтатиб қўйди. Гап шундаки, АҚШ билан савдо-сотиқ қилувчи мамлакатлар ўз ихтиёрларида бўлган ва қадр-қиммати тушиб кетган миллиард-миллиард доллардан халос бўлишга ҳаракат қилдилар. Бир қанча тадбирлар кўрилишига қарамай, долларнинг курси пасайиб кетаберди. Бу ҳол Ғарбнинг бутун валюта-молия системасидаги зиддиятларни янада кескинлаштириб юборди.

Кўп мамлакатлар, аввало, Ғарбий Европа мамлакатлари, шунингдек, Япония бу системани тамомила ўзгартириб, ҳақиқий аҳволга мослаштиришни талаб қилдилар. Аммо президент Р. Никсоннинг ва Америка молия министри Ж. Шульцнинг сессияда сўзлаган нутқлари АҚШ ғарбнинг валюта-молия системасида имтиёзли мавқеини сақлаб қолиш ва ўз проблемаларини (шу жумладан, тўлов баланси дефицитини қоплаш проблемасини) ўз иттифоқчилари ҳисобига ҳал этиш учун аввалгидек ҳозирда ҳам уринаётганлигини кўрсатди.

Сессияда Шульц таклиф этган план кескин танқид қилинди. Бу планни фонд доирасида янгидан тузилган «йигирма мамлакат комитети» муҳокамасига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу комитетга Ғарб молия системасини ислоҳ қилиш юзасидан ўз тавсияларини халқаро валюта фондининг келгуси йилга ўтказиладиган навбатдаги сессиясигача тайёрлаш топширилди. Халқаро валюта фондининг Вашингтонда ўтказилган сессияси империалистик давлатлар, ўртасидаги зиддиятлар кескин тус олганлигини яна бир марта намойиш қилди. Бу зиддиятларнинг илдизлари капитализмнинг умумий кризиси билан боғланган. (ТАСС).

Демократик кучлар намойиши

КОПЕНГАГЕН, 2 октябрь. (ТАСС). Данияда мамлакатнинг «умумий бозор»га кириши тўғрисидаги масала умумхалқ овозига қўйилиши арафасида бу ерда Данияниинг «умумий бозор»га аъзо бўлиб киришига қарши меҳнаткашларнинг жуда катта намойиши ўтказилди.

Намойиш охирида митинг бўлди. Митингда сўзга чиққан кишилар мамлакатнинг «умумий бозор»га аъзо бўлиб кириши данияликлларнинг манфаатларига зид бўлиб, Данияннинг мустақиллигини, унинг Европа шимолидаги бошқа мамлакатлар билан яқин алоқаларини хавф остида қолдиради, деб таъкидладилар. Нотиқлар кейинги кунларда мамлакатда «умумий бозор»га қўшилмаслик окибатларинг фўкач қилиб меҳнаткашларни чўчитиш компанияси авж олиб кетганлигидан дарғазаб бўлганликларини айтдилар.

Намойиш ва митингда данияликлардан жами 80 минга яқин киши қатнашди.

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК УЧУН

Жаҳон жамоатчилиги, жаҳон матбуоти, радиоси, телевидениеси Совет Иттифоқининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XXVII сессияси муҳокамасига тақдим этган таклифларига ғоят зўр эътибор билан қарамоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доираларида, матбуотнинг ҳамма шарҳларида шундай фикр баён қилинмоқда: халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва ядро қуроли қўлланишни абадий тақиқлаш тўғрисидаги совет таклифи барча халқларнинг орзу-тилакларига мос бўлиб тушади ва ҳозирги замон шароитида энг реалистик ва энг самарали қарорлар қабул қилишни кўзда тутади.

ВЕНГРИЯ

БУДАПЕШТ. «Непсабадшаг» газетаси куч ишлатмаслик ва ядро қуроли қўлланишни абадий тақиқлаш тўғрисида Совет Иттифоқи тақдим этган резолюция лойиҳасини шарҳлаб, қуйидагиларни таъкидлайди: бу таклиф жаҳон сиёсатининг реал ҳолатларидан келиб чиқади ва бутун инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Совет Иттифоқи тақдим этган лойиҳа ҳозирги кунда энг муҳим халқаро проблемаларни ўз ичига олади.

«Мадьяр хирлап» газетаси қуйидагиларни уқтириб ўтади: совет дипломатияси КПСС XXIV съезди қабул қилган буюк тинчлик программасига мувофиқ, кўпгина соҳаларда муҳим ташаббус кўрсатмоқда ва бу билан бутун инсониятнинг манфаатларини кўзлаб, бутун дунёда тинчлик ишига, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

БОЛГАРИЯ

СОФИЯ. «Земеделско знамя» газетаси ёзади: «Кескинликни юмшатиш соҳасида шу вақтгача эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва тағин ҳам ривожлантириш зарур. Совет Иттифоқи бу соҳада ҳам ўзининг конкрет ҳиссасини қўшмоқда».

Газета яна қуйидагиларни ёзади: Совет Иттифоқининг муҳим масалаларга муносабати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбаридан аниқ-равшан баён қилиб берилдики, тинчликнинг тақдири ана шу масалалар ҳал этилишига боғлиқдир. Бу масалалар ҳозирги вақтда халқлар ва ҳукуматларнинг диққат марказида турибди. Бутун дунёда ва Европада тинчлик ва хавфсизлик ўрнатиш, Ҳинди-Хитойда ҳамда Яқин Шарқда уруш ва кризис ўчоқларини тугатиш, қуролсизланиш учун кураш ана шундай проблемалардандир. Ана шу энг муҳим масалалар совет тинчлик программасининг таркибий қисмидир. Бу программа бутун социалистик ҳамдўстликнинг ўзаро келишиб олинган йўли бўлиб, жаҳон сиёсатининг таъсирчан омилидир.

МОНГОЛИЯ

УЛАН-БАТОР. МОНЦАМЭ агентлигининг шарҳларида бундай дейилади: совет таклифлари тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашаётган планетамиздаги миллионларча кишиларнинг программасидир. Совет Иттифоқи изчиллик билан амалга ошириб келаётган тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун кураш сиёсати СССРнинг ленинча ташқи сиёсатини ёрқин ифода этади.

ВЬЕТНАМ

ХАНОЙ. Вьетнам информация агентлиги СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида сўзлаган нутқида Вьетнамда ва Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларда Америка интервенциясининг давом эттирилиши ва кенгайтирилиши қораланган. Американинг Вьетнамдаги пиёда аскарлари сонини қисқартириш тўғрисида жамоатчиликка тасалли беришни кўзда тутган уйдирма хабарлари фош қилиб ташланган, шунингдек, Совет Иттифоқи Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг жуда асосли ҳамда оқилона таклифларини тамомила қўллаб-қувватлаётганлиги тўғрисида айтилган гапларига алоҳида эътибор беради.

СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

● ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ●

УЗВИЙ АЛОҚАЛАР ●

ЖАСОРАТ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

ҒАЛВИР КЎТАРИЛИШ ОЛДИДА

Одатда жўжани кузда санайдилар. Футбол кузи ҳам келмоқда. Қайси команда нималарга қодирлиги мавсумнинг қолган ўйинлари натижаларига боғлиқ. Гап мамлакат чемпионатнинг биринчи лига командалари ҳақида борадиган бўлса, марра кўриниб қолди. ғалвир сувдан кўтариладиган дамлар яқинлашяпти.

Биринчи лига командалари босиб ўтган йўлга бир назар ташламоқчимиз. Мавсум бошидан буён жами 300 ўйин (30 сентябргача) ўтказилди. 3 миллион 803 минг футбол муҳлиси ана шу ўйинларни бевосита стадионда томоша қилди. Ун учинчи турдан бошлаб карвонбоши бўлиб олган «Пахтакор» 29 учрашувдан 42 очко тўпладди. Ўзбекистон командаси футболчилари Италия сафарига жўнаб нетганларидан буён уч учрашув ўтказди. Дастлабки ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Иккинчи учрашув Нерми шаҳрида пахтакорчиларнинг катта муваффақияти билан — 5:1 ҳисобида тугади. Учинчи ўйинда командамиз 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди.

Мавсум охирлагаи сари командалар ўртасида ўринлар талаш. Ҳар бир команда имкони борича дурустроқ натижага эришиш ниятини албатта амалга ошириш учун қизғин курашмоқда. «Пахтакор»ни қувиб келаётган командалар кам эмас. Донецк ва Қарағандининг «Шахтер»и, «Шинник», «Текстильщик» Кутаисининг торпедочилари билан беллашиш осонмас. Бу командалар кейинги учрашувларда ўз аҳволларини яхшилаб боряптилар.

Донецк кончилари кейинги икки ўйинда фақат бир очко олди. Бу—«Шахтер» билан «Пахтакор» учрашуви тағин ҳам шиддатли ўтади деган гап. Кутаисининг «Торпедо» командаси навбатдаги икки турда биронта ҳам очко ололмади. «Пахтакор» энди сафарда тўрт учрашув ўтказади. Қолган ўйинлар Тошкентда бўлади. Командамиз пешқадамликни қўлда сақлаб қоладими ё ўрнини қувиб келаётган командаларга бўшатиб берадими—бу пахтакорчиларнинг навбатдаги ўйинлари натижаларига боғлиқ.

Футбол

Рақамлар футбол мавсуми ҳақида холис баҳо беришга кўмаклашади. Мана бу рақамларга эътиборингизни жалб қилишдан ҳам мақсад шу: мавсум бошланганидан буён биринчи лига командалари дарвозаларига 690 тўп киритилди. Шулардан 281 таси учрашувларнинг биринчи қисмида дарвоза тўридан олиб чиқилди. Ўйинларнинг иккинчи қисмида киритилган тўплар бир кам беш юзта бўлди. Ана шу тўпларни 179 футболчи дарвозаларга йўллади.

Рақиблар дарвозасига энг кўп тўпни Одесса шаҳрининг футболчилари киритишди (40 та). Бу борада энг кўнгилсиз натижага эришган «Автомобилист»—бор-йўғи 22 та тўп киритди. Мавсумда ғалабали ўйинларни энг кўп ўтказган «Пахтакор» бўлди. 29 учрашувдан 18 тасида командамиз майдондан қўш очко олиб чиқди. «Уралмаш» энг кам—атиги 5 марта ғалаба қозонди. Командалар даврасида «Крилья Советов» битимга келишувчилиги билан рекорд қозонди. 15 ўйинда очколарни тенг бўлишиб олди.

Стадионда мухлисларнинг ҳаяжонини яқол кўрсатиб қўлдиган 11 метрлик жарима тўплари белгиланган дақиқа саналади. Бундай масъулиятли ва мароқли вазифани пахтакорчи Б. Абдураимов ҳамиша аъло даражада адо этиши билан шуҳрат қозонмоқда. У саккиз марта белгиланган 11 метрлик тўпларнинг жамини дарвозага кирита олди. Ашхабодлик футболчи И. Дзагоев ҳам шундай жарима тўпларидан ҳаммасини (5 та) рақиб дарвозасига йўллашнинг уддасидан чиқди.

30 сентябрь куни биринчи лига командалари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар: «Шинник» — «Металлист» 0:0, «Текстильщик» — «Динамо» 0:0, «Крилья Советов» — «Нистру» 1:0, «Шахтёр» (Қ) — «Черноморец» — 0:0, «Уралмаш» — «Металлург» — 2:1, «Звезда»—«Кривбасс» 1:0, «Шахтёр» (Д)—«Строитель» — 2:0, «Автомобилист» — «Помир» 0:0 ва «Спартак» — «Олга» 3:0. Шу турдан кейин тўплар нисбати бўйича «Черноморец» биринчи ўринга чиқиб олди. «Пахтакор» иккинчи, Донецк кончилари учинчи ва «Звезда» футболчилари тўртинчи ўринда.

Олий лигага бериладиган икки йўлланмани олиш жумладан «Пахтакор» учун ҳам эндиги учрашувларда нуқул ғалабага эришишни тақозо этади. Футбол ғалвири сувдан кўтарилиш арафасида. Ғалвирда қайси командалар қолади? Буни навбатдаги ўйинларнинг натижалари кўрсатади.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» футбол шарҳловчиси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 12.35 — Яғиликлар, 12.45 — «Костёр». 13.15 — Беш йилликнинг иккинчи йили, 13.45—Концерт, 14.15 — Спектакль. 17.55 —ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм, 18.20 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 19.00 — Ўн саккизлар интервюси, 19.40 — Ахборот, 20.00 — Халқаро панорама (Москва). 20.30 — **«Ноэнеъмат бунёдкори»**, 20.55 — Ўн минут музика, 21.05 — Ахборот. 21.20 — **Қалб қўшиғи** (телеспектакль), 22.00 — **«Вақт»**, 22.30 — Лайло Шарипова куйлайди. 23.15 — **Тўда** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 12.00 — **Монахни қўлга тушириш** (бадиий фильм). 18.00 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.15 — Реклама ва эълонлар, 20.30 — МОСКВА. 20.50 **Дала мавсуми** (бадиий фильм). 22.00 — Спорт. 22.30 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 20.10 — Тошкент яғиликлари. 20.30 — **Махсус танга** (бадиий фильм). 21.05 — Фильм-концерт. 21.30 — **Алдар Кўса** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/Х да **Трубадур**, 4/Х да **Сухайл ва Меҳр**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/Х да **Мирзо Улуғбек**, 4/Х да **Парвона**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва Давлат цирки артистларининг гастроллари.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Эффи Брист — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), **«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ»**, **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»** **«ЎЗБЕКИСТОН»** (кундуз ва кечқурун).

Уқиғану уқмаган — «ЧАЙКА», **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечқурун).

Қиз-Жибек — НАВОИЙ номли **«ВОСТОК»** (кундуз ва кечқурун).

Полиция комиссарининг республика прокурорига иқрори — САНЪ. Г САРОЙИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қуланна — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), **«СПУТНИК»** (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Дунё — «КУЧА» (кундуз ва кечқурун).

Анупама — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Кўхна ҳаёт лавҳаси — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

ЭЗГИ БИНОДА

Уқиғану уқмаган — «ФЕСТИВАЛЬ».

Полиция комиссарининг республика прокурорига иқрори — «ХИВА».

Обуначилар диққатига!
1973 йил учун қуйидаги

ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»,
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»,
«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»
«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ»,
«ЎЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ»,
«АГИТАТОР УЗБЕКИСТАНА»,
«ГУЛИСТОН»,
«МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ»,
«САОДАТ»,
«МУШТУМ»,
«ГУЛХАН»,
«ҒУНЧА»,
«МУҲБИР»,
«КОРРЕСПОНДЕНТ»,
«СОВЕТ МАКТАБИ»,
«РУССКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА В УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЕ».

Обунани — **«Союзпечать»** бўлимлари ва агентликларида, алоқа бўлимларида, ўқиш ва иш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали расмийлаштириш мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти.

СПОРТ ЛОТО

БАХТЛИ РАҚАМЛАР

20, 24, 25, 28, 35, 37

«Спортлото»нинг Ярославль шаҳрида 30 сентябрда ўтказилган навбатдаги тиражида юқоридаги рақамларга ютуқ чиқди.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги Тошкент «Геологразведка» заводининг коллективи завод директори Н. Ю. Мирахмедовга акаси

Халил Юсупович МИРАҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар—338142 коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. 232. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 03707.